



Adabiyot, madaniyat yashasa ~ millat yashaydi

O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-YIL 4-YANVARDAN
SHIQA BOSHLAGAN

АДАБИЙ-БАДИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЖТИМОЙ ГАЗЕТА

№ 29 (4531)
2019 ЙИЛ 19 ИЮЛЬ

ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН!

ТАРИХ - УЛУҒ МУРАББИЙ

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон тарихи» телеканални ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг эълон қилиниши маънавий ҳаётимизда муҳим воқеалардан бири бўлди. Бугун халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида миллий тарихимизни билишга бўлган иштиёқ анча қўнғайган бир паллада тарих телеканали ташкил этилиши айни муддаодир.

Тарих – халқ маънавиятининг асоси, унда миллий ғоя, сиёсат, иқтисод, маданият, маънавий, энг муҳими ота-боболар ўтмиши мужассам. Бугун ахборот технологиялари юксак ривож топиб, ер юзининг олис бурчагида юз берган воқеа бутун дунёда акс-садо бераётир. Глобаллашув жараёнида кечаётган паллада мухтарам Президентимиз айтиши, “ҳавас қилса арзийдиган улуг тарихимиз, буюк аждодларимиз” ҳақидаги ноёб тарихий маълумотларни дунё ахлига фахр ва гурур ила, баралла етказиш имкониятимиз кенгайди. Қолаверса, халқимизнинг тақдирда рўй берган, тарихимиздан ўрин олган гоҳ шонли, гоҳ тушқун ва фожиали ҳодисалар Ватанини се-вуви ҳар бир инсонни бефарқ қолдирмайди.

Тарих – фақат шу фан соҳасининг эмас, балки миллиятнинг ҳар бир вақилига бирдек дахлдордир. Бу ҳақиқатни чуқур англаш фурсати аллақачон етган. Президент Шавкат Мирзиёев ўз маърузаларида ана шу муҳим омилини тез-тез эсга олади. Масалан, ўтган йилнинг ноябрь ойидаги учрашувда давлатимиз раҳбари ҳарбийларимизнинг тарих ҳақидаги билимлари билан қизиқди:

– Мана, Амир Темур бобомиз билан ҳаммамиз фахрланамиз. Лекин, ҳолисона айтايлик, улуг Соҳибқироннинг “Тузуқлари”ни қанча аскар ўқиган? – Ёки буюк саркарда Жалолддин Манғубердиннинг ҳаёти ва ҳар-

бий маҳорати ҳақида ҳамма ҳам етарли билимга эгами? Ваҳоланки, бу аждодларимизнинг ғалабалари, стратегия ва тактикаларини дунёдаги қўлаб ҳарбий мактаб ва академияларда бугун ҳам ўрганишди.

Давлатимиз раҳбари аскарлар ҳарбий қасамд қилишдан олдин албатта Ўзбекистон тарихи фани ва “Темур тузуқлари”дан синов топириши кераклигини таъкидлади. Илғор ҳарбий қисмларга улуг саркардаларимизнинг номини бериш, моҳир лашкарбози бобларимиз ҳақида илмий тадқиқотлар олиб бориш, бадий китоблар, кинолар яратиш тўғрисида кўрсатма берди.

Дарҳақиқат, дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Аммо очигини айтганда, оламшумул зотлар ҳақидаги билимларимиз кўпинча шу фахрланиш билангина тугаши сир эмас. Масалан, тиббиётчиларимиз столда Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” турадимиз? Ҳарбийлар, умуман раҳбар ходимларнинг неча фоизи “Темур тузуқлари”дан хабардор? Астрономлар “Зижи Жадидий Қўрагоний” асарини худди қарра жадвалидек билишадими? Ал-Хоразмийнинг “Ал жабр вал муқобала” асарини, Абу Райҳон Беруний асарларини ҳар бир мактаб ўқувчиси яхши билиши учун нималар қилишимиз керак?

МУНОСАБАТ

БЕШ ЭЗГУ ҒОЯ

ФАОЛИЯТ

Президентимизнинг бешта ташаббуси моҳиятига назар ташлайдиган бўлсак, ҳар бирининг замирида чуқур ўйланган ғоя мавжудлигига амин бўламиз. Жумладан, ташаббусда қайд этилган санъат, адабиёт ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий тарбиясида энг кучли воситалардан бири ҳисобланади. Бу восита аҳолининг барча табақасини, турли ёшдаги шахсларни қамраб олади. Айниқса, бадий адабиёт ниҳоятда кенг қамровли. Эртанги кундаги тартиб романгача бўлган жанрларда чоп этилган асарлар шахснинг маънавий шаклланишида катта хизмат кўрсатади. Бундан ташқари, “Қалила ва Димна”, “Қобуснома”, “Ғулистон”, “Зарбулмасал” сингари мумтоз асарлар анъанавий ахлоқий тарбия воситаси сифатида неча асрлардан буён жамиятга хизмат қилиб келади.

Бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган замонда Интернет сайтларидаги ахлоқ меъёрлари ва маънавий-ахлоқий эҳди бўлган, шунингдек, ижтимоий-маънавий ҳаётимизга таҳдид солувчи ахборотлар оқимида ёшларни ҳимоялаш мақсадида уларда санъат, адабиёт, спортга меҳрини ошириш, бўш вақтларидан унумли фойдаланиш, ёшларга нисбатан иммунитетни шакллантириш ҳар биримизнинг ватанпарварлик бурчимиздир.

Бешта ташаббуснинг ижросини таъминлаш мақсадида Қамолддин Бехзод номидаги Миллий Рассомлик ва Дизайн институтида дастур ишлаб чиқилди. Ушбу дастур асосида институтда, маҳалларда, мактаб ва коллежларда “Китобхонлик” уйрашувлари, “Ёш рассомлар” гу-гараклари, давра суҳбатлари ташкил этилди. Институтда “Иктидор” театр-студияси, тўртта маънавий-маърифий,

бешта спорт, ўн учта касбга йўналтирилган ҳамда фан тўғрисидаги фаолияти янада такомиллаштирилди. “Қувноқлар ва зукколар”, “Тафаккур синовлари”, “Заковат” каби жамоалар республика миқёсида ташкил этилаётган танловларда совринли ўринларни кўлга киритдилар. Институтимизга бириктирилган Миробод туманидаги ўрта махалла, саккизта мактабда кўча амалий дарслар ташкил этилди. Етук профессор-ўқитувчилар, танқидчи ижодкорлар томонидан виллоятларда маҳорат дарслари ва давра суҳбатлари ўтказилди. Шунингдек, Сирдарё виллояти Сайхунбод тумани 8-болалар мусика ва санъат мактаби ўқувчиларининг институтга ташрифи ташкиллаштирилди. Наманган виллояти тарихи ва маданияти давлат музейида ташкил этилган институт талабаларининг ижодий ишларидан иборат “Қамолддин Бехзод ворислари” номли кўргазма муҳлисларда кўриштирилди. Институтнинг “Иктидор” театр-студияси иштирокчилари Юнусбод туманидаги 258-мактабда Шароф Бошбековнинг “Тикансиз типратиканлар” асари асосидаги спектаклни намойиш этдилар. Ёшлар ҳаётидан олинган кўринишлар ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

Бу каби амалий тадбирлар талаба-ёшларнинг кенг тафаккурли, ўз касбининг ҳақиқий эгаси, маънан ва жисмонан соғлом авлод бўлиб етишишларида муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз. Шу билан бирга, бу жараён биз – маориф ходимлари ва ўқитувчилар зиммасидаги масъулият завоирини бир неча баравар оширади ҳам. Биз, устозлар хорижий тилларни, шунингдек, таълим беришнинг энг сўнгги, замонавий усулларини пухта эгаллашимиз лозим. Фаоллик, ўқитиш жараёнига замон талаблари нукта назаридан ёндашиш асосий вазифамизга айлансагина талабаларга ўрнат бўла оламиз.

Умид УТАНОВА,
фалсафа фанлари номзоди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 23 июндаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида мамлакатимизда Ислам цивилизацияси маркази ташкил этилди. Мақсуд илмий-маърифий марказнинг номланишида алоҳида ҳикмат бор. Яъни дунёда мамлакатлар кўп бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос тараққиёт босқичини босиб ўтган. Аммо улар орасида юксак мақомга эга юртимиз муаззам тарихининг ажралмас қисми айнан ислом дини билан боғлиқ. Шунингдек, цивилизация моддий ва маънавий бўлиши мумкин. Шунга кўра ушбу марказ маънавий ва моддий бойликларимиз тарихи, мазмуни, моҳияти, тараққиёт босқичлари, тарбиявий аҳамияти, ҳуллас, ўтмиши ва бугуни, қолаверса, келажаги билан алоқадор барча масалаларни тадқиқ қилади, таҳлил этади, содда услубда ва раво тилда халқимиз, айниқса, ёшларга етказиб беради, уларни дунё афкор оммасига тарғиб қилади.

ЮКСАК МАДАНИЯТЛИ ХАЛҚИМИЗГА ҲАЁТДА АДАШИШ ЯРАШМАЙДИ...

Таъкидлаш жоизки, юртимиз худди муқаддас ислом дини ёйилгунга қадар ҳам ҳар томонлама равақ топган. Унинг ўз ёзувлари, эътиқод йўли, маданияти, муштақкам маърифий мақоми бўлган.

Ташкил этилган марказда намоёниш этиладиган ашёлар ташриф буюрувчиларга айни шу маънони ту-

килувчи аҳамиятга эга бўлган масала, у ҳам бўлса, жаҳолатга қарши маърифат билан қурашишда дунёвий ҳукукий демократик давлатчилигининг асосий устуңларидан бири бўлиши мақсад қилиб қўйилган. “Жаҳолат” илмсизлик, оз илмга кўр-кўрона ёпишиб олиш, масалаларни нотўғри талқин қилиш, ўқиб, аммо уммаслик, англамаслик каби маъноларни англа-латади. Жохил доимо маърифатга қарши туради, уни хатти-ҳаракатлари, фикрлари билан бўғишга интилади. Шу боис, улуг мутафаккир алломалар азалдан бу иллатга қарши мурасасиз бўлганлар.

Айнан шунинг учун ҳам, мамлакатимиз Раҳбари, мухтарам Президентимиз бу муассасага алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бу ерга ташриф буюриб:

“Керак бўлса, ҳар ойда бу масканга келиб, муаммоларни муҳокама

қилишга тайёрман”, — деб таъкидлаганлари фикримизнинг далилидир. Демак, марказ олдида қўйилаётган вазифалар давлат сиёсати даражасида қўрилмоқда. Соҳа экспертларининг эътирофи этишча, дунёнинг бирор мамлакатида қўлзма асарларни ўрганиш, уларни истёмолга киритишга қаратилган Президент қарори қабул қилинмаган. Ушбу масалада Ўзбекистон пешқадамлик қилмоқда. Бу давлат раҳбарининг юксак маънавияти, унинг аждодлар руҳи ва ушбу замин алломаларига чексиз эҳтиромидан дарак беради.

Бугун дунёда содир бўлаётган жараёнлар илму маърифат миллиятнинг ўз-лигини англаши ва асраши учун ягона восита бўлиб хизмат қилишини яна бир қарра тасдиқламоқда.

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

шунтириш, бундай маданиятга эришиш илм-фаннинг ҳар бир соҳасида бой ва ҳассос тажрибага эга бўлишни тақозо этишини англаштиш учун хизмат қилиши керак.

Бундан ташқари, Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази, ушбу муаззам маърифат кўргони халқимизнинг фаровон турмуши йўлида хал

ТАНЛОВГА ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ИЖОДИЙ ИШЛАРГА ҚЎЙИДАГИ ҲУҶЖАТЛАР ИЛОВА ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ:

- муаллиф аризаси ва профессионал фаолияти ҳақида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорт нусخаси;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефон рақамлари.

Танлов ғолиблари:
Битта биринчи ўрин – энг кам иш ҳақининг 75 баравари миқдорда;

Иккита иккинчи ўрин – ҳар бири энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдорда;

Учта учинчи ўрин – ҳар бири энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдорда;

Бешта рағбатлантирувчи ўрин – ҳар бири энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдорда пул муко-фотлари билан тақдирланадилар.

Танлов ғолиблари Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 28 йиллиги байрами арафасида эълон қилинади.

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ,
АЗИЗ ИЖОДКОРЛАР!

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

Сизларнинг таклиф ва истакларингиз инобатга олиниб, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Адиблар хиёбонида жойлашган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биносидаги “Ижод” фонди китоб дўконига севимли нашрингиз “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг сотуви ташкил этилди. Баҳолар келишилган нархда.

МЎЛЖАЛ: МЕТРОНИНГ “МИЛЛИЙ БОҒ” БЕКАТИ.

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА!

“ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК!”

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Давлат Мустақиллигининг 28 йиллигига бағишлаб, она дийримизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, Ватанимизнинг буюк келажаги йўлидаги улугвор янгиланишлар, ватанпарварлик, замондошларимизнинг ёрқин сиймолари акс эттирилган, шеър, насрий, болалар адабиёти, бадий-публицистик йўналишдаги энг сара асарлар учун “ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК” Республика танловини эълон қилади.

ТАҚДИМ ЭТИЛАДигАН АСАРЛАРНИНГ ТУРЛАРИ:

Танловга 2018 йилнинг 1 августидан 2019 йилнинг 1 августига қадар республикамаиз-даги вақтли матбуот ва адабий нашрларда эълон қилинган шеърлар, хикоялар, маколалар, очерклар ёки китоб ҳолида чоп этилган шеър, насрий, болалар адабиёти, бадий-публицистик йўналишдаги асарлар тақдим этилиши мумкин.

Тақдим этилган ишларда “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган, 2017-2021 йил-ларда Ўзбекистон Республикасини ривож-лантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, шунингдек, “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожла-ниш йили” давлат дастури, “Обод кишлок”, “Обод маҳалла”, “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар – келажакимиз”, “Беш ижодий ташаб-бус” каби муҳим дастур ва режалар доираси-

Бошланиши 1-саҳифада

Мухтарам Президентимиз ушбу марказнинг буюк тарихимизни тушунишдаги ўрнига тақдир ва тақдир тўхтаб қолди. Чунки бу маскан тарихини ўрганиш музейи ёки марказигина бўлиб қолмасдан, балки бебаҳо меросимиздан халқимизни, айниқса, ёшларимизни ҳабардор қилишга хизмат қилиши, айни пайтда уларни ёт гоёларга раддия берадиган билимлар билан қуроллантириши даркор. Тарих – улуг мураббий. У йўл кўйилган ҳаётлар, эришилган ютуқларни ўзидан муҳассам қилган. Тарих – ҳикмат, тарбия ва ибрат манбаи. Тарихнинг шонли ва аччиқ саҳифаларини ўрганиш орқали таҳлил ва тафаккур воситасида тўғри қарор қабул қилишга эришиш мумкин. Тарих бизни ҳаётлардан сабоқ чиқаришга, уларни тақдорларамаслиқка ўргатади, бизни ҳаётлардан асради.

Ушбу контекстда, биринчидан, марказда турли даврларга тегишли моддий ва маънавий манбалар илмий асосда тадқиқ қилинади, ўрганилади. Уларнинг сони кўп, аммо мутахассислар масаласида муайян муаммолар кузатишмоқда. Зеро, мавжуд манбалар матни давр ва макон; жанр ва муаллиф услуби; ихтисослик бўйича атамалар ва ҳатто жой номлари билан боғлиқ. Таржимон буларнинг барчасидан боқаб бўлсагина таржима тўғри амалга оширилади. Бу масала ечимини бўйича давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистон халқаро ислом академияси зиммасига муайян вазифалар юклатилган.

Иккинчидан, муассасада нодир манбалар жамланади. Айтиш керакки, бугунги кунга қадар марказга аҳоли томонидан мингдан ортиқ кўлзма асарлар бегараз тақдим қилинди. Демак, эндиги вазифа мавжуд ҳамда тўпланмак ва ҳар бири бир олам бўлган ноёб асарларни тўғри сақлаш, зарур ҳолларда уларни муолажа қилиш хисобланади.

Учинчидан, ўрта асрларда эришилган ютуқлардан бугунги эҳтиёжларни қондириш учун фойдаланиш. Табиийки, бунда ўрта асрларга қайтиш назарда тутилмайди. Ҳозирги глобаллашув даврида тарихий ўқ илмларимизга зарба етиб, уларнинг патак илдизларга айланишига имкон бермаслигини лозим. Акс ҳолда, мажоз тили билан айтганда, енгил шамол туйфали ҳам жамият инқирозга юз тутиши мумкин. Ваҳоланки, дунёнинг бир бўлаги сифатида юртимиз ҳам жадал сурятларда ривожланмоқда, янги-янги имкониятлар эшиги очилмоқда, инсонлар қулай шартларга интиломоқда, эришмоқда. Аслида, ҳозирда юртимизда яратилаётган кенг имкониятлар, шароитлар янги – **учинчи ренессанс даври учун пойдевор** эмасми?! Бу ренессанснинг бунёдкори, яратувчилари ким бўлади?

Тўртинчидан, юқоридаги вазифаларнинг барчаси бир ишга хизмат қилади, яъни тарихимиздан дарак берувчи экспонатлар келажак авлодларга бешиқаст етказилиши зарур.

Энг муҳими, Марказ серкирра – **кўп йўналишли илмий-маънавий муассаса бўлиб, унинг энг биринчи ва асосий вазифаси ёшларни турли хато йўللарга қириб, ёт таъсирлар домига тушиб қолмаслигини таъминлаш, турли қўрқинишдаги янгишлардан қайтариш, аждодларига муносиб ворис бўлишларини таъминлашдир**. Шу ўринда бир савол туғилади – меросимизни тиклаш, сақлаш ва келажак авлодга етказишдан қандай маъно муҳассам?

Биз аждодларимиздан қолган бой илмий мерос билан ғурурланамиз. Бунга тўла ҳақимиз, ҳатто бу ўта зарур. Аммо шу ўринда аждодларга муносиб ворислик масаласи пайдо бўлади. Яъни уларнинг меросини ўрганиш, улар билан фахр ҳиссини туғиш баробарлаш, бугун ислом дунёсига ўз ижодкорлиги, юксак маданияти билан ибрат бўлган халқимизнинг бугунги авлодига янгилишни, адашши ярашмаслигини ҳам чуқур идрок этиш лозим.

Марказ ўзининг бой экспозицияси билан турли сабабларга кўра ўз тарихини, динини, маънавияти, ақидасини унуттиш, ҳукукий демократик давлатда яшаётганини, миллийлигини, давлатнинг мавжуд қонунийлигини билмай, хато йўللарга қириб қолиш, адашиб юриш бизнинг жамиятга, бой илмий ва маънавий меросга эга бўлган халқимизга муносиб эмаслигини кўрсатиб беради. Яқин тарихга мурожаат қилайлик. Айрим ёшларимиз эътиқодда

онд мураккаб масалаларга енгил-елпи ёндашиб, озгина илмга мутаассибона ёпишиб олиб, адашмадимми? Ундан ота-оналар, яқинлар, қариндошлар, маҳалла-қўй жабр кўрмادими? Юрт тинчлигига таҳдидга айланмади? Маърифатпарвар мутафаккир Абдулла Авлоний ўз хикматларига авлодларни огохлантирган “халокат” аслида тарбиядаги адашши хосиласи бўлиши жаҳолат, ақидапастлик эмасми?!

Абу Мансур Мотуридий илгари сурган ва Абу Муин Насафий ва бошқа улуг аждодларимиз томонидан ривожлантирилган ақидавий таълимотда бу каби саволларга тўлиқ жавоблар муҳассам. Бундай аллома бобокалонларимиз ақидага тўғри ёндашув маданиятини шакллантириш борасида ибратли ишларни амалга оширган. Абу Муин Насафий барчани илмга даъват қилиб, уни жон билан қиёс қилди. **Илмни ақидапастликка қарши қўйди. Жон эмас, эҳтирос эмас, хис-туйғу эмас, айнан илмни тараннум қилди**. Унга кўра, жонни азиз билган илм истайди, жонини асрашни хоҳлаган илм ўрганади. Ҳақиқатда, “**илмдан ўзга нажот йўқ ва бўлмағай**”.

Ўз даврининг буюк инноваторлари бўлган Абу Райхон Беруний, Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек каби даҳолар инсон ҳаётини яхшилаш, жамият ва давлат ривожига улкан ҳисса қўшган зотларидир. Уларнинг яратувчан гоёлари бутун ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолган. Бугунги рақамли технологиялар асосида Хоразмийнинг “Ал-жабр ва-л-муқобала” асари ётади. Аҳмад Фарғонийнинг машҳур ихтироси – ниломер юксак цивилизациялар юрти, пирамидалар макони – Миср халқининг огирини енгил қилган.

ЮКСАК МАДАНИЯТЛИ ХАЛҚИМИЗГА ҲАЁТДА АДАШИШ ЯРАШМАЙДИ...

Бу ўша даврдаги энг тараққий топган юртлардан бирини тинчликни таъминлаган инновация эди. Аҳмад Фарғонийнинг ихтироси Нил бўйида яшовчи халқдан олинган солиқларни тартибга солиш, демак, ижтимоий адолатнинг қарор топишига амалий ҳисса қўшган буюк олим эди. Буларнинг барчаси буюк халқимизнинг меҳнатсеварлиги, илм-маърифатга муҳаббати, ҳалол-поклиги эвазига қўлга киритилган ютуқларидир. Чунки асл маънавият, илм ёшлардан тўғри ташкил этилган миллий тарбия, тарғибот, қўриш ва кўрсатиш, эшитиш ва эшитириш орқали эгалланади. Шу қабилида оғинмай амал қилинган сабаб аждодларимиз томонидан эришилган илмий ютуқлар юртимиз сарҳадларидан чиқиб, дунё халқларининг бойлигига айланди.

Шундай экан, Баҳоуддин Нақшбанднинг меҳнатсеварлик, қўзғалғун ишнинг натижадорлиги (“Оқибат хайр бод” ғояси) муҳим экани тарғиб қилинган ҳикматлари, Ҳаким Термизийнинг билиш назарияси, дунёни англаш борасидаги фундаментад қарашлари, Амир Темурнинг муаззам ишлари бугунги шароитларда кенг тарғиб қилиниши лозим. Зеро, мазкур буюк зотларнинг қон томирда оқаётган халқимиз қалбига бунёдкорлик ғояларини уйғотишга, юртимизда миллийлик ва динийликни юғи қарор топтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Мамлакатимиз ўз олдида улкан марраларни қўйган. Ўзбекистон 2030 йилга қадар глобал инновация рейтингда дунёнинг энг кучли 50 та давлати қаторига киришни мақсад қилган. Бунинг учун бизда барча имконият ва шароитлар мавжуд. Ушбу маррага етишда, албатта, юксак интеллектуал салоҳиятли, маънавий олами бой, имон-эътиқодли бутун халқимиз, эртаси эгалари бўлган ёшлар асосий роль ўйнайди. Бунинг учун халқимиз, айниқса, ёшларимиз мана шу тарихий ҳақиқатдан ўзлари учун маънавий ибрат ва намуна олишлари зарур.

Унутмаслик лозимки, осойишта ва фаровон келажакни ўз қўлимиз, машаққатли меҳнатимиз эвазига кура оламиз. Уни ҳеч ким четдан келиб қуриб бермайди. Ҳаммасига ўз кучимиз, билим ва интилишларимиз билангина эришиш мумкин. Президентимизнинг “...**бу ҳаётда ҳеч нарса ўз-ўзиндан бўлмайди. Ўзини ҳаракат қилмасак, ҳеч ким**

ИЖТИМОЙ ҲАЁТ

бизга бегараз ёрдам бермайди. ...Ўзини ўзини алдамасак, ҳалол-поқ бўлиб меҳнат қилмасак, мен аминман, қўзлаган барча марраларимизга, албатта етамиз”, деган сўзлари замирида ана шу ҳақиқат муҳассамдир. Демак, бу – осон иш эмас.

Алишер Навоий ҳазратлари бундан қарийб олти аср илгари ипак кўртининг то пиллага айдан-гунга қадар бажарилган ҳаракатларини тасвирлаган экан: “Ипак кўртчилик химматинг йўқми?” – деганида яшаш масъулияти, энг аввало, жамият олдидagi бурчи бажариш эканини назарда тутмаганимиди? Виждон ва имон амри билан бажарилган ишлар халқ манфаатини рўёбга чиқаради. “**Ё ватан, ё шарафли ўлим**”, деб Ватан сарҳалларини ҳимоя этган бобомиз Наҳмиддин Кубронинг, мўғул босқинчиларига қарши мардонавор курашган Жалолиддин Мангубердиннинг ибрати бу ўринда намуна бўлишга арзирли.

Бугун олдимизда турган энг муҳим масала – фаровон ҳаётга интилишни умуммиллий ҳаракатга айлантириш экани кундек равшан. Миллати, тили, динидан қатъи назар, халқимиз бир ёқадан бош чиқариб, Ўзбекистоннинг келажакни улугвор ва шарафли қилиш йўлида жонбозлик кўрсатиши лозим. Аждодларимиз ўз авлодларини шу йўсинда тарбия қилганлар. Улар фарзанд тарбиясига, унинг касбу камолотига ҳаёт-мамат масаласи сифатида қатъа эътибор билан қараганлар.

Агар буюк бобомиз Маждулло Уструшоний ўрта асрлардаёқ ўзининг “Жомий ахком ас-сиғор” (“Болаларга тааллуқли шаръий ҳукмлар мажмуаси”) асарида баён қилган болалар ҳуқуқига, диний ва дунёвий давлатчиликка оид фундаментал ғоя-

миз эришган оламшумул ютуқларларни муҳассам қилган миллий ғояни шакллантирувчи, тарғиб қилувчи майдон бўлиб хизмат қилади. Бу ерга таширф бюрганлар аждодларимиз қандай буюк инсонлар бўлгани, уларнинг илмий салоҳияти нечоғли баян бўлгани ҳақида ҳулоса чиқарилади, ҳаётга бўлган муносабати ўзгарида, ёшларда миллий гурур, буюк аждодларига муносиблик ҳисси шаклланади. Энг муҳими, Президентимиз таъкидлаганларидек, ички ва ташқи таҳдидларга қарши мустаҳкам маънавий иммунитет ҳосил қилиб, ёт таъсирларга қарши илму маърифати билан курашадиган инсонларга айланади.

Тарихдан биламизки, **илму маърифат ҳар қандай халқ ёки миллатнинг ўзлигини англашнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади**. Барпо этилаётган муассаса илму маърифатни кенг жамоатчиликка етказишнинг таъсирчан механизми бўлиши кўзда тутилмоқда. У нафақат юртимиз, балки ундан-да кенгрок қўламларда илму ирфон нурини тарқатиш билан шуғулланувчи зиё маскани бўлиши муқаррар.

Марказ ташаббускори бўлган Президентимиз ушбу масканининг тарихимизни тушунишдаги ўрнига тақдир ва тақдор тўхтаётганлари ҳам бежиз эмас, албатта. Раҳбаримиз айтганларидек, **Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази бировлар олдида мактабини учун эмас, балки, энг аввало, то маънавоги ўзлигини англаш учун халқимизга хизмат қиладиган муассаса сифатида барпо этилмоқда**. Шунинг учун ҳам у барчамиз фахрланадиган буюк ўтмишнинг турли қирраларини ўзида муҳассам этган, юртимизнинг кўхна ва улугвор тарихи ҳамда халқимизнинг бой

ва серкирра маданиятининг исботларини ўзида жамулмак қилган эътибори маскан бўлиши лозимлиги қайта-қайта таъкидланмоқда.

Ўрни келганда айтиш лозимки, Марказ мамлакатимиз жойлашган минтақада ўхшаши йўқ кўп тармоклик – ҳам илмий, ҳам маданий, ҳам маърифий, ҳам маънавий муассаса шаклида бунёд этилмоқда. Бундан чиқадиган ҳулоса шунки, у кенг қамровли фаолият билан шуғулланади. Марказда олимлар қадимий тарихимиз ва серкирра маданиятимизнинг сарчашмалари бўлган асл манбаларни ўрганадилар. Аллома аждодларимиз томонидан яратилган бой илмий-маънавий меросни тадқиқ этадилар. Ислон илмлари, ижтимоий-гуманитар, табиий ва аниқ фанларга оид нодир манбаларни жамлаш, уларни асраб-авайлаш ва келажак авлодларга бешиқаст етказиш каби умуммиллий аҳамиятга молик ишларда Марказнинг алоҳида ўрни бўлади. Бундай манбаларнинг замонавий нашрларини амалга ошириш ва ҳам мамлакатимизда, ҳам халқаро миқёсда оммалаштириш унинг вазифалари қаторига қиради. Кенг маънодаги ислом цивилизациясининг мазмун-моҳиятини, энг аввало, муқаддас ислом динининг инсонпарвар моҳиятини ўзида муҳассам этган ва тарғиб қиладиган илмий нашрларини амалга оширади, маҳаллий ва халқаро қўламдаги илмий ажуланларни ўтказида. Қисқа қилиб айтганда, у бениҳоя кенг ва серкирра фаолият билан шуғулланади.

Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази яқин келажакда Франциядаги – Лувр, Англиядаги – Британия музейи, Санкт-Петербургдаги – Эрмитаж каби оламшумул аҳамиятга молик илмий-маданий муассасалар қаторига қўшилиди. Демак, у асрлар давомида фаолият кўрсатади, иншооллох! Мамлакатимиз раҳбари сазй-ҳаракатлари замирида ана шундай эзгу максаллар ётибди. Ушбу интилишларнинг тўлақонли рўёбга чиқарилиши билан боғлиқ масъулиятни ҳар биримиз чуқур идрок этишимиз бугуннинг долзарб зарурати.

Ўйлаймизки, бунёд этилаётган Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази оддий музей ёки маънавият маркази бўлиб қолмасдан, балки юртимиз тарихи, халқимиз маданияти, илм-фан,

санъат ривожига ҳамда халқимиз турмуш тарзининг барча соҳаларига дахлдор қимматли маълумотларни ўзида муҳассам этадиган, уларни ўрганишга қаратилган фундаментал тадқиқотларни амалга оширадиган жўшқин илмий-маданий ўчоқлардан бирига айланишини халқимиз тушуномда.

Марказнинг Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Абу Муин Насафий, Абу Ҳафс Насафий, Абу Лайс Самарқандий, Абу Райхон Беруний ва бошқа юзлаб алломаларимиз томонидан яратилган ва асрлар давомида инсониятга хизмат қилиб келаятган яратувчан тафаккур дурдоналарининг “**Жаҳолатга қарши маърифат**” ғоясининг мазмун-моҳиятини очиб беришдаги роли нечоғли улкан бўлишини барчамиз идрок этмоқдамиз. Аждодларимизга муносабати сўралганда дарб афвони уламоси тўқилганидан жавоб берар экан, ўз юртидаги аҳнага кўра, Имом Бухорий, Абу Мансур Мотуридий, Қафқол Шоший асарлари бўлмаган маскан кутубхона хисобланмаслигини ҳақли эътироф этди. Бу ҳар биримиз учун миллий гурур, қолаверса, миллий ғоямизни тарғиб қилишнинг гўзал намунасикир. Шунга кўра, ушбу муассасага қўйиладиган ҳар бир экспонатдан қўзланаётган мақсад, жумладан, диний никоб остидаги экстремизмнинг тарихий илдизларини очиб беришдаги уларнинг ўрни ҳақида чуқур тафаккур қилиш тақозо этилмоқда.

Яна бир муҳим ҳулоса шундан иборатки, барпо этилаётган муассаса мамлакатимиз илмий-маънавий инфратузилмасининг муҳим бўғинларидан бири бўлади. У турдош ташкилотлар, жумладан, Ўзбекистон халқаро ислом академияси каби ўқув-таълим муассасалари билан ақидан ҳамкорлик қилади. Мазкур маънода у таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро уйғунлигини ўзида муҳассам этган тузилма сифатида фаолият кўрсатади. Марказнинг Ислон академияси юқори курс талабалари, шунингдек, магистрлари ва тадқиқотчиларини ўқитиш жараёнида бевосита иштирок этиши ҳам ана шундан далолат беради.

Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази нафақат умуммиллий, балки халқаро қўламда фаолият кўрсатадиган муассаса бўлади. Демак, унинг мазмун-моҳиятини нафақат ўзи тушунадиган, балки бошқалар, жумладан, хорижий меҳмонларга ҳам мукаммал тарзда тушунириш бера оладиган, араб, инглиз ва бошқа чет тилларни биладиган йўлбошловчи-гидларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади. Бундай мутахассислар айни шу масканда таълим олиши ҳамда илмий тадқиқотлар билан шуғулланиши назарда тутилган ёшлар ичидан етиштириш кишии мантикий. Марказ фаолияти мазмун-моҳиятининг серкирралиги бундай мутахассисларнинг тегишли тор йўналишларда чуқурлаштирилган ихтисослашувини тақозо этади. Бугунги кунда ана шу вазифаларнинг мукаммал ижросини таъминлаш чоралари кўрилмақда.

Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази умуммиллий аҳамиятга молик маърифий, маънавий, илмий, амалий вазифалар ижроси билан шуғулланадиган, энг ривожланган информация ва бошқа технологиялар билан жиҳозланган кўп тармоклик муассаса бўлади. У дунёнинг, жумладан, мусулмон оламининг энг йирик ва нуфузли турдош ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади, мунтазамлик асосида амалга ошириладиган он-лайн мулоқотлар майдони сифатида хизмат қилади. Марказ ишида юртимиз зиёиллари, айниқса, эътиборли олимлар билан бир қаторда, мустақиллик даврида улғайиб келаятган ёшларнинг фаол иштироки таъминланади.

Марказ ҳуқуқий демократик давлат йўлидан бораётган Ўзбекистоннинг нузли келажак, жонажон Ватанимизнинг дунёдаги энг ривожланган давлатлар қаторига киришида маънавий майдон вазифасини бажаришига шубҳа йўқ. Бинобарин, уни энг рат қилган ёшу қари, эркак аёл, отаю бола, барча инсонларнинг ҳаётга муносабати, дунёқарши ўзгариб чиқди, ўзига тегишли ҳулоса олиб чиқди. Марказ бутун Ўзбекистоннинг маънавий хазинаси бир жойда жамланадиган, бой маданиятимизни кўзгудек акс эттирувчи табаррук маскан бўлади.

Иргаш ДАМИНОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи

Бошланиши 1-саҳифада

Президент Шавкат Мирзиёев ўз сўхбатларида ушбу ҳақиқатни бот-бот тилга олади, бугунги ислохотлар жараёнида тарихни чуқур билишнинг аҳамиятини таъкидлайди: “Суворов мактабини Темурбеклар деб ўзгартирдик. Гап номда эмас, ғояда, мафкурада, гурурда! Боғчадаёқ болаларимиз Ватанини, тарихини, мадҳияни, байроқини, Амир Темурни, Биринчи Президентимизни... яхши ўрганишсин...”

Маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтидagi бешта мустақил фондларда жами 25 минг атрофида кўлзмалар, 40 мингдан ортиқ тобосомалар, 5000дан ортиқ тарихий ҳужжатлар кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келинади. Уларда жами 300 мингдан зиёд асарлар нусхалари мавжуд, дейилади. Ушбу институт ЮНЕСКОнинг инсоният миллий-маданий ва моддий бойликлари рўйхатига киритилган. Ушбу бекиёс бойликларимиз синчиқлаб ўрганилса, қанчалар тарихий фильмлар, кўрсатувлар учун дастур бўлиши мумкин! Шу ўринда Нобель мукофоти соҳибни, физик олим Пьер Кюрининг мана бу сўзлари эсга тушади: «Мусулмонларнинг Андалусиясидан бизга 30 та китоб қолди. Ўша китобларни ўқиб, атомни парчалашга эришдик. Агар биз ёки юборган ана ўша буюк Ислон цивилизациясига тегишли ярим миллион китоблар ҳам қолганида нима бўларди? Дарҳақиқат, агар ўша китобларни ёки юборганимизда, ҳозир фазодаги галактикалар орасида сайр қилиб юрган бўларди».

Ислон тамаддунига улкан ҳисса қўшган алломаларнинг жуда кўчлигини бизнинг аждодларимиз – Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Беруний, хоразмийлар, насафийлар, бухорийлар, термизийлар, шошийлар эканини назарда тутсак, Агар олимларнинг фикри қаққилга ҳамда биз қанчалик улкан хазина соҳиб эканимиз аён бўлади. Масалан, Абу Райхон Беруний ёган асарлар рўйхатининг ўзиёқ, агар майда харфлар билан ёзилса, олтинчи варақлик китобча ҳо-

сил бўлар экан! Буюк Британиянинг машҳур Кембриж университетида Хоразмий ва Ибн Сино стипендиялари таъсис этилиши асло бежиз эмас.

Қарорда, “буюк ватандошларимиз — олимлар, мутафаккирлар ва азиз-авлиёлар, шоир ва ёзувчилар, саркардалар, давлат арбобларининг бебаҳо меросини кенг қўламда ўрганиш ва оммалаштириш мақсадида уларнинг ҳаёт йўли ва қахрамонлиги тўғрисида, шунингдек, дунё аҳамиятига эга бўлган Ўзбекистон энг янги тарихининг ғоят ёрқин ва унутилмас саҳифалари ҳақида ҳуқуқ қилувчи илмий-оммабоп дастурлар ва ҳужжатли фильмлар туркумларини яратиш, «Ўзбекистон тарихи» телеканали фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгиланган.

«Ўзбекистон тарихи» телеканалининг ташкил этилиши — юртимизда китобхонлик маданиятини юксалтириш, маънавият тарғиботи, туризм ва тadbиркорликни янада ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган кенг қамровли ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Утган йили Юртбошимиз Хоразм вилоятида бўлганда бу ҳақда қуйидаги фикрларни билдирган эди: «Биз чет эллик туристларни қадимий тарихимиз ва қадриятларимиз билан жалб қилишимиз мумкин. Лекин Хоразмнинг, Хиванинг тарихи тўлиқ ўрганилмаган, уни таништириш бўйича тизим ҳам йўқ. Шунинг учун Хоразм тарихини энг қадимги даврдан бошлаб илму-йил ўрганиб, одамларга содда тилда тушуниришни йўлга қўйиш керак. Муҳим даврлар ва воқеалар, ҳар бир қон ҳаёти бўйича шоурумлар ташкил этиб, сайёҳларни қизиқтириш зарур. Хивага келган одам қатта таассурот, билим олиб кетсин, бу ерда кўпроқ қолиб, вақтини мазмунли ўтказсин...»

Дарҳақиқат, кўхна ва тарихий шахарларимиз ҳақида дейлик, “Шариф шахар – Бухоро”, “Мардлар шахри – Термиз”, “Аллоларлар шахри Кеш”, “Ер юзининг сайкали Самарқанд”, “Тошкентнома”, “Хўқанди Латиф”... каби туркум кўрсатувлар, тарих китоблари яратилса, қандай улуг иш бўлар эди! Бу фильм ва китоблардан фақат ўзимиз эмас, балки бутун жаҳон ақли қизибди, ҳавас қилиб сотиб олиши учун турли тилларга таржима қилинса, айни мундоа.

Бу борадаги хайрли ишлар аллақачон бошлаб юборилган. Президент тошхирлиги мувофиқ 2017 йилда Аҳсенит тарихий ёдгорлигини асраб-авайлаш ва тадқиқ этиш, унинг ҳаққоний тарихини яратиш бўйича қатта ишлар бошланди. «Аҳсенит» археология мероси объектини муҳофаза қилиш

ва тадқиқ этиш дирекцияси» давлат унитар корхонаси ташкил этилди. Тарихий манбаларда, хусусан, «Бобурнома»да бу кентнинг алоҳида аҳамияти ҳақида кўп ёзилган. Қадимдан бу ерда ер ости суви иншооти бўлгани боис мудоффа учун қулай саналган. Бу ерда ўз даврида шишасозлик, қулоқчилик, темирчилик, қуросозлик каби ҳунармандлик турлари ривожланган. 1620 йилга келиб зилзила оқибатида улкан шахар вайрон бўлган. Бугунги кунда харобаларнинг 60 гектарга яқин қисми сақланиб қолган бўлиб, Фарғона водийсидаги энг қатта археологик ёдгорликдир.


Тошкент вилоятининг Оккўрғон туманида жойлашган Шоҳруҳия шахри ҳам ана шундай машҳур тарихий жойлардан бири саналади. Бу маъзилда машҳур саркарда Темур Малик ва Чингизхон қўшини ўртасида қаттиқ жанглар кечган. Бугун сокин тепалиқлар қўриғинини олган Шоҳруҳияда отларнинг қишнаши, қиличлар жараниги, жангчиларнинг “урхо-ур” деган хайкириқлари беҳос қулоғингизга қалин-

гандек бўлади. Ёки Шаҳрисабзнинг Танхоз дарёси бўйидаги машҳур “Навоийтепа”да қанчалар сир-синоат яширин! Халқ ичиди сақланган ривоятларга кўра, бу тепалиқда кешликлар Самарқандга тахсилга бораётган ёш Алишер Навоийни қутиб олишган экан. Юртимизда бу каби сирли, тарихий манзиллар жуда кўп. Қамаш туманидаги “Бобуртепа”, Яқкабоддаги “Қирқ қизлар”, ёш Темурбек пойга ўйнаган тепалик, Ғузор туманидаги “Тоҳир ва Зухра” зиёратгоҳи каби манзилларни жуда узоқ санаш мумкин. Бу сирли жойлар ҳақида “Тарих телеканали” учун туркум кўрсатувлар, ҳатто сериаллар тайёрлаш мумкин. Асосийси – “Тарих телеканали”нинг рейтингини юксакка қўтариш, уни нафақат юртимизда, балки узоқ-яқин юртларда ҳам машҳур қилиш учун имкониятлар бериб. Бугунги кунда компьютер воситасида жонлантириш (анимация) имкониятлари юксак тараққий этган. Оксарой, Кўксарой, Бостонсарой каби машҳур қасрларни, умуман, кўхна шахарлар қиёфасини “қайта тиклаш”, улкан жанг манзараларини акс эттириш мумкин. Бинобарин, эфир вақтини бошқа каналлардаги каби рекламалар ва таржима қилинган хорижий фильмлар билан тўлдирish асло шарт эмас. Қарорда айтилганидек, “Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини чуқур ўрганиш, ушбу йўналишдаги илмий-тадқиқот ишларини фаоллаштириш, ёш авлодин миллий қадриятлар ва аждодларимизнинг бебаҳо мероси асосида тарбиялаш, жамиятда ватанпарварлик ва ўз халқи билан ғурурлиқни туйғусини шакллантириш асосида миллий ўзлиқни англаш ҳиссини мустаҳкамлаш ва ватандошларимиз дунёқарашини кенгайтириш”дек хайрли мақсадларни қўзлаган “Ўзбекистон тарихи” телеканалда бунинг учун жуда қатта имкониятлар мавжуд. Муҳлислар фахр-ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотувчи марокли дастурларни ҳозирданок қутишмоқда.

Бахтиёр ХАЙДАРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири

БУ МАМЛАКАТ — МЕН ЎЗИМ, ТИЛИМ — ОР-ШАЪНИМ...



Ота ғули

Далачи бўз йигит эди,
Бугун — аскар у ёвкур.
“Айт-чи бурчинг надур?” деди,
Микрофони бир мухбир.

Асрайман, дер йигит ўқтам,
Хар боғу, хар ползизи.
Топтай олмас энг зўр ёв ҳам
Отам эккан тарвузи!

Билгисиз марра

Чўқкига интилув — мардлар шоири,
Қайгача етмоклик — тақдир кимори.

Айлана

Доим шундай бўлган, шундай бўлади:
Туғилган — туғилмоқ учун ўлади...

Норбойимнинг о.и.и.и.

Уйланди Нор — ўзбек йигит
Козок кизи Омонгулга.
Сандигдан аримас кут,
Рўзгор гуллар йилдан йилга.

Болаиғ нечта, десангиз, Нор —
Дейди, ҳазил қилиб қувнок:
— Жами олти фарзандим бор,
Учта ўзбек, учта козок.

Нарс ўнқони

Гар бургут хайбатли, гурурли чунон,
Викорин топтаб гоҳ тутиб ер сичкон.

Зўрловсиз турмуши

— Нархи неда эркин? Чўққиси қайда?
— Эрк — таъиндан қўрқув бўлмаган жойда...

Бахриддин САДРИДДИНОВ

ҚУШЛАРДАН СЎРАГИН ХАБАРИМ



Ватан

Сен менинг тоғимсан, кўнглимда тоғсан,
Сен менинг боғимсан, гуллаган боғсан.
Бу дунёда сени севмасам бўлмас,
“Мен сени севаман”... демасам, бўлмас,
Тоғиман сенга қайта-қайтадан,
Сен мангу бахтимсан, айтсам дафъатан:
Айланайин Ватан,
Ўргилай Ватан!

Олислаб кетсам гар, сени соғиндим,
Сен учун суюндим, сен деб оғриндим.
Мен селдан ранг олиб гулдайвераман,
Сени севаман деб сўйлайвераман.

Тиббий ёнганув

Омонмисиз, дўхтиржон оға,
Эй, оламга таникли жарроҳ.
Кўрсам ғалат ишларни гоҳо,
Сизни эслаб қоламан ногоҳ.

Баъзан ҳасад тўпласа йиринг,
Баъзан фитна ин қураб дилга.
Даф этмокка уриниб кўринг,
Олиб сирли пинцетни қўлга.

Илғорлади беҳад тиббиёт,
Пайвандлашар янги жигарини.
Алмаштириб бўлмаса, нахот,
Бошдаги кир хужайраларини?

Балки нафси аждарҳо зотини
Тийса бўлар бужмайтиб қорнин?
Қонга синган фиску фасодни
Сўриб олиш имкони борми?

Риштасига имон пайвандлаб,
Мумкинмикан дилин қилмоқ бут?
Бўлармикан тоза онг жойлаб,
...Нечун саклаб турибсиз сукут?!

Мулзам сукут...
Таскинсиз сукут...

Ўзига ишонув

Таянса одам онг, шашти, кучига,
Тўқин яшар, хатто қудук ичида.

Чалатуркийлик

Сатангсўз тўдалар аро гиз-гизлаб,
Юрибман... касалманд тилимни излаб...

Ўнқонлар

Омадсиздир бу дарахт...
Турар сўлгин ва қарахт,
Совуқ уриб қок ёзда.

Бехос ютдим суяқни,
Тилди у кекиртагини
Бўлаб оч ит тирноғи.

У — давлатманд, мен — йўқсил,
Майли, унга бер қўнғил,
Бахт йўлини оч болаиғта.

Ассудси — қизлар

Ёпишмоқлик шашти — бизларга боғлик,
Топишмоқлик гашти — қизларга боғлик.

Ўзи.и.и.и.и.и.

Ўнг кўзинг алданса гар чап кўзиндан,
Бил, улар ўрганган бунни ўзиндан.

Сув...

Ариқ тўла сув келади, сув келади,
Сачроғида жимжима ёғду келади.
Дикки-дикир тўлкинида олмами, ё —
Жаста уриб ўйноқи оху келади.

Айла

Гуллайман, дейди қўнғил,
Қўнғилга имдод айла!
Эй қўнғил, гулга қўнғил,
Ўзингни озод айла!
Қўнғил дарвозасида
Ишқ — илоҳий қасида.
Икки дил орасида

Сен ишқни бунёд айла!
Магсан, ёр бўй-бастидан,
Сен қулсан ишқ дастидан,
Сочи тўлғонса қасдинда,
Қаддингни шамшод айла!
Ишқ қалбингни тигласа,
Хам ёндирса, чўгласа,
Ёр деб, ошқ йиғласа,
Ғусасин баёт айла!
Отлиқлар отин қистар,
Пиёда бўлмай музтар,
Эшакли пойга истар,
Эшагин ғирот айла!

Ариқ тўла сув келади, сув келади,
Кўйнида дур, сатҳида инжу келади.
Мисли тириклик куйи қўнғилни сугориб,
Шаркирабон покиса туйғу келади.

Ариқ тўла сув келади, сув келади,
Марза-эгатлар сари қулғу келади.
Оши ҳалол дехкону боғбон бошидан
Қут-барака сочғали дув-дув келади.

Ариқ тўла сув келади, сув келади,
Ховуздача сумаиға кўзгу келади.
Томчиларин хар бири бир шопа бўлиб,
Сув тусида ўзбекка орзу келади...

Сув қурса...
Сув қурса — борликка қўрқув келади!

Мил

Бу мамлакат — мен ўзим,
Тилим — ор-шаъним.
Тилимга чанг солса ким —
Синфий душманам!

Чорасизлик ўнқонига

Бош эгиб бир четда ўтирибман жим...
Хол сўрмай, холимдан қулаётган ким?!

Аранг таниди.и

Мағрур эдинг, энди — мушфик юғурдак,
Вох, сени не куйга солмиш кекиртаг!

Шутқанок

Академик Бахтиёр Назаровча

Ана, келди!
Бошланди яна!
Ҳаловатга тиг урди тугён.
Вазисизлик қомиди тана,
Хужайралар ёнар, ўй — вулкон.

Ана, келди!
Бошланди яна!
Ғижимлади жонни тутканок.
Жигар тўзди, қонлар — пўртана,
Фақат шеър бор, олам — ян-яйлоқ...

Кутқарайин шоирин қандок?!

Даража

Ўн беш бетли мактуб ила
Севгисин қиз этгач рад;
Ошиқ шоир, таассуф ила,
Ёзди шеър жавоб хат:
“Сездим,
Ишқ не — фахнинг чакмас,
Қалбнигга ёт Олий хис...
Сендайлардан шоир чикмас,
Сен... эзмаган публицист!”

Ҳаёт ўтхонаси

Одам лой махсули бўлса-да, ини,
Тобланиб, ўзини қилолтай чинни.

Ўнгу терс — ўзи.и.и.и.

Бордир хар танганинг икки томони,
Ўнгида — яхшиман, терсида — ёмони.

Мастура кия очик дарвозадан ичкарига ки-
риб, атрофга аланглади, тушлик пайти бўлгани
учунми ҳеч ким кўринмади. Ҳовлининг бир че-
тида кузак гуллари сариқ, қизил, пушти рангда
жилоланар, эгатда жимир-жимир сув оқарди.
Ўнг томонда ишқомдаги хусайнлар офтоб ну-
рида товланар, эндигина келиб қўнган қушлар
ғаласи унинг тепасидаги қўлбола «қўриқчи»ни
писанд қилмай, узум чўкирди.

«Ҳеч нарса ўзгармагандек, ўша-ўша...» хаё-
лидан ўтказди у. Ҳовли тўридаги пешайвонга
яқинлашаркан, беихтиёр айвоннинг ёғоч ус-
тунни силаб қўйди. Бир пайтлар бу хонадонга
викор, кўрк бағишлаб турган устун энди анча
чўққандек, ёриқлари кўпайгандек туюлди. Ба-
рибир бу хонадондаги бошқа нарсалар катори
қадри, суюкли. Чунки у мана шу устунга су-
яниб неча марта Худога илтижолар қилган, бо-
лалиқ осмонининг қўл етмас орзулари бўлмиш
юлдузлар билан сўзлашган, сирлашган.

Айвонда қанча турди, билмади, бир пайт ўнг
тарофга бежирим қилиб солинган янги уйдан
чиқиб қолган келинчақ остоида турган ме-
монга аввал ажабсиниб қаради. Сўнг:

— Ассалому алайкум, яхшимисиз, келинг, —
деди ним табассум билан бошидаги симрўмо-
лини маҳкамрок ўраркан. Атлас қўйлак-лозимда
ял-ял ёниб турган келинчақнинг қилиб турган
қўзларини, самимийлигини кўриб, хонадонга
ҳам гўзал, ҳам ақли расо келин тушибди, деб ха-
ёлидан ўтказди у.

— Яхшимисиз Шохистахон, мен Мастура
опангиз бўламан, адангизни жияни, — деди у ке-
линчақ билан хушланиб. Сўнг қўлидаги тугун-
ни мезбонга тутаркан. — Ибодат ояни... — деди
ҳамон чарос қўзлари билан хайрон боқиб турган
мезбонга.

— Ха, бўлди-бўлди, тошкентлик жияни бўла-
сиз. Анвар акам айтганди. Яхши етиб келдин-
гизми? Уй ичилар тинчми? — дея келинчақ уни
ичкарига тақлиф этди.

— Ҳозир кираман, кираверинг, — деди Масту-
ра бот томонга ишора қилиб. Зийраккина келин-
чақ эса:

— Бемалол, — деди қулиб ва дарров тоза со-
чиқни обдаста олдиға қўйиб кетди. Мастура
аста одимлаб теваракни кузатиб бораркан, хов-
ли тўридаги хужра томонга йўналди. Қўздан
сал нари, ховлининг четла-
ди хужра онаси иккисининг
кечмишларига, ҳасратли кун-
ларию орзули тунларига гу-
воҳ. «Янаям эскирибди», деди
оҳақлари ўнгитиб, сувоғи тўкилган деворга боқиб.
«Эшиги ўша-ўша, алмаштирилмади», ўйлади
у аста ёғоч эшикни очиб, ичкарига мўраларкан.
Ис босиб кетганига қараганда, анчадан бери бу
жойга одам кирмаган, лаш-лушлар қалашиб ёт-
ганидан эса эски хужранинг омбор-
хонага айланган кўриниб турарди. Илгари эшик
тутқичи олдидаги ма-
на бу тешикка қўли бемалол кириб
чикарди, энди йўқ. Сирмайди-да,
ахир орадан қанча вақт ўтди. Тоғаси раҳматли
эшикни янгилаб бераман деганда, янгаси кўн-
маган. «Унинг ўрнига анави янги уйни бити-
ринг!», деб бақирганда қумсувоқ қилинган уйни
кўрсатиб. Ёзда-ку билинмасди. Аммо қаҳратон
қиш кунлари муштдек келадиган шу тиркишдан
хирмондек шамол тувуллаб қираар, онаси эски
шолчани эшикка қават-қават парда қилиб тўсиб
қўярди...

Ҳаяллаб қолди шекилли, ортидаги шарпадан
Мастура тўзгиган хаёлларини йиғиб, келинчақ
билан уйга қайтди. Ичкарида дастурхон бе-
затилган, фақат янгаси кўринмасди.

— Ҳозир кирадилар, дастурхонга қараб ўти-
ринг, — деди иссиқ чой узатиб келинчақ. Сўнг
“Мен ҳозир”, дедию чакконгина уйдан чиқди.
Хонада ёлғиз қолган Мастура атрофни кузата
бошлади. Бу жиҳозлар қол-қамирининг чоғроқ
хонасини эслатар, илгари бу уйга руҳсатсиз кир-
мас, бугун эса меҳмон бўлиб ўтирибди. Ғилам
тепасига осилган тоғаси раҳматлининг суратиға
келганда нигоҳи бирдан тўхтаб қолди. Расмда
ўттиз беш ёшлар чамасидаги дўпни қийиб ол-
ган, қўзлари онасиникидек меҳри бу инсон хо-
тини билан неча бор сан-манга борарди-я? Икки
томонга бирдек туриш, қўнғил ярим сингисига
суяиқ бўлиш учун қанча тиришди. Тўғри, гоҳида
янгасининг ёлғон-яшиқларига ишониб, уларни
койган ҳам, бироқ, барибир мунгли қўзларида
жигарларига нисбатан меҳр, оқибат борлиғи се-
зилиб турарди. Ўзи бугун онаси мажбур қилма-
са Мастура келмасди. Тоғаси вафот этгандан бе-
ри бу уйга қадам босмаган, шунга ҳам анча йил
бўлиб кетди. Онаси «Янганг сени кўп сўрайди,
мазаси йўқ-да, йўқса ўзи келарди. Сен кичиксан,
бор қизим. Одам дегани кечиримли бўлади», деб
қўймади. Мана энди келиб, ўтмиш билан яна бир
қарра юзлашгандек, унинг оғриқли кунларини
яна кўргандек бўляпти. У тоғасининг навқирон
суратиға боқиб шуларни ўйлаб ўтираркан, уйга
янгасининг қирганини сезмай қолди.

— Хуш келибсиз, Мастура қизим, омонмисиз?
— деди янгаси унга қучоқ очиб. Қариндошлар
бир-бирини бағрига босаркан, Мастура янга-
сининг титрагани, ҳаяжонланганини сезди. Ҳа-
лиям овози ўқтаму, лекин ўзи бир оз хориғандек,
тик қомати чўққандек эди.

— Пешинни ўқийтандим, узр, айланай. Бу
келадиган кунингиз ҳам бор экан-ку, биз та-
рафларга, — деди янгаси унга гинахонлик қилиб.
— Ха, ташвишлар билан бўлиб, келолмадик.
Тўйлар яхши ўтди. Келинлар чакконгина
хизматини қилиб юришибдими? — деди у
ҳам мулозамат учун.

— Раҳмат, айланай. Шукр, шу кунларга ет-
казганига. Ўзингиз яхшимисиз, Муроджон, бо-
лалар яхши юришибдими? Келишмадими улар?
— деди янгаси нон ушатаркан.

— Иш, ўқиб дегандек. Бир-биримизни қут-
сак, ҳалиям қолиб кетамиз. Шунинг учун ўзим
келавердим. Ҳаммаси салом айтишди сизга, —
деди у дастурхоннинг гулли нақшини қўли би-
лан силаб.

Янгаси ликобчада янги узилган хусайни
олиб кирган келинига:

— Шохистахон, ҳолва ҳам олиб кириг, Мас-
тура опангиз яхши кўради, — деди унга қараб
қулиб қўяркан. Сўнг бирдан нимадир ёдиға туш-
гандек, жим бўлиб қолди.

Наргиза АСАДОВА



— Ха, яхши кўярдим, — деди Мастура ҳам
тасдиқлаб ва эсига болалиғида бўлган бир воқеа
тушди...

Ўшанда тоғасиникига меҳмон келган, одат-
дагидек дастурхон безатилар, тақчиллик за-
монида унда-мунда йўқ қанд, туршак, ёнгоқ,
айникса, у жуда яхши кўрадиган седанали
ҳолва, албатта, қўйиларди. Бола эмасми, ўша
ҳолвадан бир дона егиси келди. Меҳмонларга
чой ташиб юрган онасига шунча ялинса-да,
эшитмаганга олди. Чунки билди, янгасининг
феъли ёмон. Мастура бир четда ўтириб, бир
гапириб-ўн қулаётган эрқагу аёлларга бир-
ма-бир қараб чиқди. Улар гиштпечка ёнида
ўтирган қизалоққа аҳамият беришмас, олди-
ларига қўйилган ноз-неъматларни бемалол,
тортинмай тановул қилишарди. Янгаси ҳам
бисотидаги бор тақинчоқларини тақиб олган,
гўё у хонзодаю онасига чўридек буйруқ бериб
ўтирар, шу билан ўзини жуда силю, доно кўр-
сатишининг эвидан чиқарди. Мастура чиройли
либос қийиб олган меҳмонларни, улардан ҳам
кўра кўпроқ дастурхондаги ширинликларни
кузатар, тамшанар, кичкина бармоғини ўй-
наб, ўтирганлар қулса у ҳам жилмайиб, ўзини
ҳам улар сафидагидек хис этарди. Шу пайт аз-
баройи егиси келгандан ҳамма ган билан ов-
вора бўлганда дастурхонга

ҲОЛВА

якин сурилиб, аста ҳолвага
қўл чўзди. Лекин янгаси туш-
кулар кузатиб турган экан-
да. Бирдан шахд билан урил-
ган тарсаки, қўлчасини довуллатиб юборди.
Бир зум довуллаб қолган Мастура янгасининг
«Вой-вой-ей, қўйдим, шу етимлардан. Тўяри-
ни билмайди, қўзи оч-да, қўзи. Сўраса бера-
ман-ку, ўғирлик қилмасдан!», деганини эши-
тиб, ўзига келди. Қўриқиб кетганди
қўлидагини олишни ҳам, ташлашни
ҳам билмай турганда, эшикдан кириб
қолган онаси унинг биланган маҳкам
тутиб қўзлари айланди хужрага
олиб кириб кетди. Ортидан янгасининг «Шу-
ларни тўйдирамиз деб юрибмиз-да, айлана!»
деганию тоғасининг «Бас қил!» деб хотинига
ўшқиргани эшитилди.

Улар нам қилиб анкиб турган хонага кириши
билан қутилмаганда онаси унинг юзига тарсаки
туширди. Ўзи шундоқ ҳам қўриқиб кетган Мас-
тура энди юзларини беркитганча чинқириб йиғлаб
юборди.

— Нега ундай қиласан-а, нега? Бир бўлак ҳол-
ва билан қорининг тўйиб қолармиди? Ўзи, шу
туришимиз камми, болам?! — деди онаси зорла-
ниб, кейин ўзи ҳам йиғлади. Боядан бери хўр-
лиги келиб йиғлаётган Мастура онасининг кўз
ёшини кўриб тинчиб қолди ва рўпарасида бир
сиқим бўлиб қолган бечора, муштирап онасини
юпатиш учун юзларини силади:

— Бошқа қилмайман, фақат сиз йиғланманг, —
деди у. Ўқсиб йиғлаётган онаси эса юзларини
рўмолининг учига артиб, уни бағрига босди. Шу
ҳолда она-бола анча ўтиришди. Кейин янгаси-
нинг овозини эшитиб, сапчиб ўрнидан тураркан,
«Сен шу ерда ўтир, майлими, қизим» деганча
шошиб чиқиб кетди. Мастура кўз ёшини қўй-
лагининг енигга артаётганда қафтидаги ҳолва-
ни кўриб жимиб қолди. Боягина ўзи тамшаниб,
минг бир истихоло, қўрқув билан олган ҳолвага
бир зум тикилиб турди-да, сўнг отиб юборди...

Ҳозир шулар хаёлидан ўтаркан, қўзи билан
ер чишиб ўтирган янгасига қаради. Аён ҳам уни
англагандек, ўтган кунларни хис этгандек оғир
«ух» тортиди. Кейин:

— Мастураҳон, қизим. Мендан хафадирсиз-а?
Хом сут эмган бандамиз-да, билиб-билмай кўп
ғуноҳлар қиламиз. Лекин ўтинаман, тоғангиздан
ранжиманг. Улар сизни жуда яхши кўрадилар.
Қасал бўлганда ҳам алаҳсираб Ибодат билан
сизни қақираверди, — деди қўзларига ёш тўлиб.

— Келишингизни аён қилгандек тушимга ки-
рибдилар. Ҳалеб сўра дермиш боқийш. Энди
билсам, узрхоҳлик сўр, деган бўлсалар керак-да.
Ибодат барака топсин, келиб туради. Сизини,
қувни жуда мақтади. Қўша қаринг, илоийм.
Беши қувни дунёда бир-биримиздан гина қил-
майлик, энди қизим, — деди янгаси қалтироқ
қўзларини унинг қафтига босиб.

Бир пайтлар ҳали пишиб етилмаган маккапоё
попутини узиб қўтироқ қилиб ўйнаганда, уни
ўқлов билан урган мана шу қўллар эди! Қўқлам
чоғи томдан қизғалдоқ териб тушиб, шодланиб
онасига туттанда, «Ундан кўра, молларга ўт ўр,
яшшамагу!» дея шартта гулларни майда-майда
қилиб, охурага ташлаган, сал бўйи чўзиллиб, ху-
сини оланганда, тоғаси қизлари катори унга ҳам
чит қўйлақ олиб келганида, пайт пойлаб қўйлак-
ни тандирга ташлаган ҳам шу қўллар-да! Айта-
верса, эх-хе... Энди титраётган бу қўлларни ке-
чириш, унутиш мумкинми?!

Мастура оғир хаёллариға фарқ бўлиб қан-
ча ўтирди билмади, шу маҳал патнисига ёнгоқ-
ли, пистали, седанали пашмак ҳолвалар солиб
жилмайган Шохистахон кириб келди. Мастура
лиқопчаларни дастурхонга қўяётган ёш келин-
чақнинг ҳали гард қўнмаган, ҳаётнинг залвор-
ли юклари соя солмаган бегубор нигоҳига қараб
турди:

— Шохистахон, ҳолва учун раҳмат, барака то-
пинг, — деб миннатдорлик билдираркан, янгаси
ялт этиб унга қаради...

Кўпгина операларнинг сюжети оддий ва тушунарлидек таассурот уйғотади. Уларда, албатта, тўсиқларга учрайдиган муҳаббат, характерлар қарама-қаршичилиги, қизиқишлар, қарашлар хилма-хиллиги тасвирланиб, воқеалар фоживий яқунланади. Опера санъати билан яхши таниш бўлмаган одамларга воқеалар ривожини зерикарли, сокин, вазиятлар эса тушунарли кўриниши мумкин. Дарвоқе, қарама-қаршилик ҳам яхшилик ва ёмонлик тўқнашуви асосига қурилади. Бироқ аксарият ҳолларда бундай оддийлик алдамчи бўлади. Шундай опералар борки, улар барча қолипларни ёриб чиқиб, мушқасанъати ривожини учун қутилмаган имкониятларни очади. Бундай асарларда қаҳрамонлар фожияси орқали умуминсоний ахлоқий қадриятлар очиб берилади.

Италиялик буюк композитор Жузеппе Вердининг "Риголетто" асари ана шундай ноодатий опералар сирасига киради. Либреттога асос қилиб олинган Виктор Гюгонинг "Қирол эрмаги" пьесаси цензура томонидан расмий таъқиқланган. Гюго драматургияси Ж.Вердини, аввало, романтик йўналиши, қаҳрамонларнинг эҳтиросли тўқнашувлари, абадий умуминсоний муаммо бўлган гўзаллик ва хунуклик ўртасидаги номуносиваб, одамларнинг жазодан холи бўлган ҳукмонлик қаршида оқиллиги, инсоннинг тақдир билан кураши каби воқеаларни акс эттиргани билан қизиқтириб қолади. Ж.Верди билан узоқ йиллар ҳамкорлик қилган Ф.Пьяве либретто ёзди. Бироқ цензура талаби билан воқеа бўлган жой ва вақтни ҳамда асл қаҳрамонларни ўйлаб топилган персонажлар билан алмаштиради. Шу тарихда тарихий қирол қандайдир герцогга, бадбашара масхарабоз Трибуле Риголеттога айланади. 1851 йили Венецияда



бўлиб ўтган опера премьераси мухлислар ўртасида мислсиз муваффақият қозонади. Шундан буён 168 йил ўтган бўлса-да, томошабинларнинг мазкур операга қизиқиши сўнмади.

Муслик, драматургик, ижро жиҳатидан мураккаб бўлган ушбу операга мурожат қилган Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри асарни сахналаштиришни ёшларга — дирижёр А.Ахмедов ва режиссёр Р.Шерездановга ишониб топширди.

Р.Шерезданов олис тарихга эга бўлган мазкур асардан нимадир янгилик топган, мавзунини, характерларини, қарама-қаршиликларини янгича талқин қилишга муваффақ бўлган. Сахналаштирувчи ре-

жиссёр тубан хиссиётлар ва жавобсиз севги, қасос ва хоинлик, айёрлик ва бурч, беҳаётлик ва топталган муҳаббат каби ўзаро зид мавзуларни ёрқин акс эттиришга ҳаракат қилган.

Парда очилган, томошабин кўз ўнгига ғаройиб тасвир олами, гўзал безаклар мажмуаси (рассом З.Ботиров) намойён бўлади. Рассомнинг ўткир нигоҳи операнинг драматургик асосини, ҳақиқий хиссиётлар, маънавий поклик қадрсизланаётган масхарабозлар оламини тасвирлашга қаратилган.

ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ

ШАФҚАТСИЗ ЎЙИНЛАР ҚУРБОНИ

Ҳаракат жойини эмас, спектаклнинг мусликий ва сахнавий муҳитини очиб беришга хизмат қилувчи образ яратишга муваффақ бўлган рассом режиссёр билан ҳамоханг фикр юритади ва томошабинни ҳам фикрлашга чорлайди.

Биринчи акт беташвиш қувнок бал, шўх рақс композициялари (хореограф М.Левицкая), Герцогнинг ҳаётсеварлик руҳидаги арияси ва Герцогнинг кўнглихушлиги учун Монтероненинг кизини ўғирлашда қатнашган Риголетто исми масхарабознинг Монтероне томонидан дуоибад қилинишидек фожией мавзунини қарама-қаршичилиги асосига қурилган. Монтероненинг дуоибад Риголеттога тинчлик бермайди.

Истеъдодли солистлар Ш.Ғафуров ва Р.Ғафуров ижросидаги ария ўз кизининг келажаги учун хавотир ҳисси билан ўқилиб, Актёрлар масхарабознинг руҳий ҳолатидаги хис-туйғулар тугўниги ғоят нозик ва самимий ифодаб беролганлар.

Хўш, Риголетто ўзи ким? У икки хил ҳаёт кечиришга маҳкум этилган сарой масхарабози. Бир томондан у Герцогга ёқинга ҳаракат қилаётган сурбет, шартан масхарабоз, айни пайтда хўжайини ва унинг атрофидагиларнинг жиноятқорона ҳаёт тарзини тушуниб турган, кизини севувчи меҳрибон ота. Қизи Жилдани химоя қилишга жон-жаҳди билан уринган Риголетто охир-оқибат ўзи Герцогнинг шафқатсиз ўйинлари қурбонига

айланади. Унинг кизи Жилда тасодиф туфайли ёлланган қотил Спарафучининг зарбасидан ҳалок бўлади.

Истеъдодли актрисалар Л.Абиева ва А.Мухаметзянова ижросидаги Жилда самимийлиги, пок қалби, садокати билан томошабинни мафтун қилади. Айни пайтда томошабин кўз ўнгига бахт ва муҳаббатга интилган, шу йўлда ҳаётини қурбон қилган қучли, иродали ёш киз гавдаланади. Ҳар икки актриса яратган образ бир-биридан қолишмайди. Айниқса, Жилда ўзи қандай қилиб Герцог қасрига келиб қолгани ҳақида отасига сўзлаб бераётган сахна ниҳоятда таъсирли. Актёрлар қаҳрамонларининг ички ҳаяжони ва хавотирини ишонарли ифодашлари учун режиссёр бу дуэтда ота ва кизнинг ўзаро муносабатини қандай қилиши масаласи жуда муҳим эди. Яъни кизининг Герцог билан танишиши ҳақидаги самимий хикояси мавжуд шароитда унинг иложсизлигини ифодаласа, Риголеттога эса вазиятни ўзгариштириш учун ҳаракат қилиш, ғазаб ва нафрат пишиб етилади.

Ж.Верди операсида Герцог (Р.Усмонов, С.Алимов), Спарафучиле (К.Барчанинов, М.Мелиев), Маддалена (Ф.Юсупова, А.Юдина), граф Монтероне (Д.Идрисов, С.Абдурахимов) образларини яратган ҳар бир актёр ўз персонажлари руҳиятига, ички оламининг эмоционал ҳолатига чуқур қира олган, аниқ-равшан ижро услуби билан ажралиб туради. Албатта, бунда режиссёрнинг алоҳида ўрни бор.

Актёрларнинг ўз партияларини табиий, қовушимли ижро этиб, том маънода драматик ва воқал ифодавийликка эришолганларида шубҳасиз, Ж.Вердининг мусликий партиясини қалбдан тушуниб оркестрни бошқарган ёш дирижёр А.Ахмедовнинг хиссаси катта.

Спектакль хотимаси қутилмаган тарзда намойён бўлади. Агар либреттога риоя қилинса, кўпинча хотимада Риголетто Герцогнинг жасадини топаман, деб ўйлаб қирққан қопда ўзининг ўлим арафасидаги кизини кўради. Риголетто эгилиб, кизини кўтариб олади. Риголетто ва Жилданинг ҳайрлашув сахнаси деярли ҳамма вақт шундай қўйилган. Бироқ Р.Шерезданов кенг тарқалган бу ечимдан воз кечган. Жилда арқа пайдо бўлади ва сўнгги сўзларини айтади: "Уни севгандим ва унинг учун ўламан". Эҳтимол, бу кичик сахна кўпларга ғалати туюлиши мумкин. Бироқ бу сахнада аниқ маъно-мазмун бор: ишонч алланади, қадр-қиммат топталади, аммо севги ўлимдан қучли, у абадий қолади.

Алишер Навоий номидаги театрда сахнага қўйилган "Риголетто" спектакли Ж.Вердининг бу операсига қизиқиш ҳеч қачон сусаймаслигини яна бир бор намойиш этди. Энг муҳими, ушбу сахна асари театр труппасининг ижодий имкониятларини, воқал, оркестр, сахнавий талқин бобида тўла уйғунлик мавжудлигини исботлади.

Муҳаббат Тўлаҳўжаева,
санъатшунослик фанлари доктори,
профессор

НАЙНИНГ НАВОСИГА ЖОНИМ ТАСАДДУҚ

Биз, мустақиллик фарзандлари эзгу максадларимизга етишиш учун барча имкониятлар яратилаётган бир даврда яшаёмиз. Бугунги ўзгаришлар бизнинг келажаққа ишончимизни янада мустаҳкамлаб, бор қобилиятимизни рўёбга чиқаришимизда илҳом бағишляпти. Бу таърибли устозларнинг меҳнатисиз амалга ошмаслигини жуда яхши ҳис қиламиз. Шу маънода мен бахтли ва омадли шогирдлардан бирман. Устозим Саида опа Саидова Тошкент шаҳрида таваллуд топганлар. Оталари муҳандис. Оналари мактабгача таълим муассасасида муслика тарбиячиси бўлиб фаолият кўрсатганлар. Шунинг учун бўлса керак, 5-синфдан бошлаб Глиэр номидаги Республика махсус мактабининг халқ чолгулари бўлимида най мутахассислиги бўйича таҳсил олган. Ўқувчилик давридаёқ концерт дастурларида, радиоэшитириш ва телекўрсатувларда қатнашиб, истеъдодини намойиш қилган.

Нега най созини танлагани ҳақидаги саволимга устоз шундай жавоб берди:

— Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида аёл найчи йўқ ҳисоби эди. Ҳозир ҳам бу соҳада аёллар кам учрайди. Лекин 11 ёшли қизалоқнинг илк бор найни кўлига олиб, ўзи пуфлаб, бармоқларини босиб, майин оҳанглари чиқариб завқланиши, қисқа муддатда "Жўжалар" куйини мустақил ижро этиши... Ҳаммаси шундан бошланган. Танлашдан кўра, боғланиб қолиш, деб ўйламан бу воқеани. Қолаверса, биринчи устозим Эркин ака Нузуровнинг эътиборлари сабаб бўлган. Тошкент давлат консерваториясида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор Мирза Тоировдан олган сабоқларим найни тақдиримга айлантирди. Марҳум санъаткоримиз Ҳабиба Охунованинг "Найнинг навосига жоним тасаддуқ" сатри билан бошланувчи кўшигини эшитганимда аёл найчи бўлганимдан фахрланиб кетаман.

Устоз 1993 йилдан буён Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган муслика академик лицейида най мутахассислиги бўйича сабоқ бериб келяпти. Шу йиллар мобайнида кўплаб шогирдлар етиштирди.



Улардан Жамшид Абдуназаров, Муҳаммад Ўстачов, Равшан Жўрабоев ва Машхурбек Қозимжонов республика ва халқаро танловларда таълим муассасасида муслика тарбиячиси бўлиб фаолият кўрсатганлар. Шунинг учун бўлса керак, 5-синфдан бошлаб Глиэр номидаги Республика махсус мактабининг халқ чолгулари бўлимида най мутахассислиги бўйича таҳсил олган. Ўқувчилик давридаёқ концерт дастурларида, радиоэшитириш ва телекўрсатувларда қатнашиб, истеъдодини намойиш қилган.

ЎШЛАР ФИКРИ

шаҳрида, Қозғистоннинг Чимкент шаҳрида, 2016 йилда Италия пойтахти Рим шаҳрида ўтказилган Халқаро кўрик-танловларда биринчи ўринни кўлга киритдим. Бундан ташқари, Францияда ўтказилган "Париж оҳанглари" халқаро танловининг Гран-при муқофотига сазовор бўлдим. 2016 йилнинг ноябрь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Она юрт оҳанглари" II Халқаро танловида биринчи ўринни эгаллаб, Ўзбекистон давлат консерваториясига имтиёзли равишда қабул қилиндим. Бу йилги "Нихол" давлат муқофоти танловининг туман ва вилоят босқичларида ғолибликни кўлга киритдим. 2017 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси "Ёшлар иттифоқи" Марказий кенгаши томонидан "Ўзбекистон белгиси" кўрак нишони билан тақдирландим. Ютуқларимнинг барчасида, аввало, жонқув устозим Саида Саидова, раҳматли буювжоним ва меҳрибон ота-онамнинг меҳнатлари бекиб.

Бугун биз бўлажак санъаткорларнинг асосий вазифаси ғайрат-шижоат кўрсатиб ижод қилиш ва танлаган соҳамизда юртимиз раванқига ҳисса қўишидир.

Асилбек АҲАДЖОНОВ

САМИМИЙ ВА ХАЛҚЧИЛ АНЖУМАН

Ўз аҳамияти билан ҳамон дунё ахлини хайратга солиб келаётган Буюк ипак йўли нафакат моддий, балки маънавий бойликларнинг кенг тарқалишига, хилма-хилнинг маданиятлар оммалашувида катта ҳисса қўшиб, қадим фольклор санъатининг сақланиши ва ривожланишида ҳам асосий омиллардан бири бўлди. Айтиш жоизки, тарихий узвийлик ва узлуксизликдан келиб чиққан ҳолда турли соҳаларни янада ривожлантириш юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Хусусан, қадим маданиятимизни кенг тарғиб қилиш, уни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ёш авлод қалбига санъатга меҳр-муҳаббат туйғуларини қамол топтириш, халқлараро дўстлик ва биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда кенгайтириш мақсадида яқинда Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида "Буюк ипак йўли" халқаро фольклор мусика фестивали ўтказилгани бунинг ёрқин мисолидир. Зеро, Марғилон айни Буюк ипак йўлида жойлашган бўлиб, доимо хунармандчилик ва савдо-сотикнинг йирик марказларидан бири бўлиб келган. 2017 йили "Марғилон хунармандчилик мактаби: атлас ва адрас тўқиш технологиялари" номинацияси ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос муҳофазасига оид энг яхши тажрибалар реестрига киритилиши ҳам катта аҳамиятга эга воқеа бўлганди.

— Мен халқаро фестивалларда жуда кўп марта иштирок этганман, — дейди Қирғизистондан ташриф буюрган "Ибарат" жамоаси аъзоси Динара Тиллакиева. — Ушбу фестиваль ўзининг жонлиги, турфа хиллиги ҳамда иштирокчилар қўли билан аҳамиятлидир. Маросимда Хоразм лаъзиси янграганида

ган. Бугунги тадбир ҳам шундай, ҳам ижодий шаклда ташкил этилгани билан аҳамиятлидир. Япониядан ташриф буюрган Киоко Ивamoto хонимнинг маърузаси кўнчилиқда катта қизиқиш уйғотди. Чунки у маърузасида тилга олган бизнинг чолгуларимизга ўхшаш қадимий япон чолгуларини ижодий гуруҳи билан бирга ижро этиб, тингловчиларнинг эътиборини қозонди.

Италиядан келган мутахассиснинг маърузаси самимий ва халқчиллиги билан томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

— Ўзбекистонга биринчи марта келишим, — дейди италиялик Третлио Эрасмо. — Очики, юртингиз ҳақида тасаввурга эга эмасдим.

ТААССУРОТ

Ҳатто Марғилон шаҳрини харитадан топишга бироз қийналдим. Бироқ юртингизга келиб, бу ерда ҳам Рим, Париж, Лондон каби тарихий ва ўзига хос шаҳарлар борлигига гувоҳ бўлдим. Бугунги анжуман менда катта таассурот қалдирди. Конференцияда ёнма-ён ўтирган профессор, жаноб Ўразали Тошматов билан қўлимиздаги чанқовулар орқали танишиб, дўст бўлиб қолдик ва ўзаро ўхшаш қадимий чолгуларимиз чанқовулар ижросида куй қилиб бердик. Эндилда мен учун келиб, улкан таассурот олиши мумкин бўлган давлатлар сони яна биттага қўнади.

Маърузалардан сўнг намойиш этилган Қирғизистон ҳамда Тожикистондан ташриф буюрган фольклор жамоаларининг ижодий чиқишлари тингловчиларга завқ улашди.

Фестиваль сўнггида уч кун давом этган кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш маросими



беҳишёр бутун жамоамиз билан рақсага тушиб кетдик. Бу фестивални ҳали кўп йиллар эслаб юрамиз. Ўзбекистонга келганимиздан жуда хурсандим.

Фестивалнинг иккинчи куни "Буюк ипак йўлида фольклор санъатининг ривожланиш жараёнлари" мавзусида халқаро илмий-ижодий конференция ташкил этилди. Конференция ишида фольклор санъати йўналишида илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб бораётган олим ва мутахассислар, жумладан, 20 та хорижий мамлакатдан ташриф буюрган меҳмонлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Ялли мажлисида Эрондан Қалами Руҳуллох, Франциядан Др. Люсиль Лизак, Хиндистондан Яшвант Парашар, Япониядан Киоко Ивamoto, Италиядан Третлио Эрасмо каби этномусикашунос олимлар ҳамда маҳаллий мутахассисларнинг Буюк ипак йўли фольклорига доир долзарб мавзулардаги маърузалари тингланди.

— Бу зами конференция олдингиларидан тубдан фарқ қилди, — дейди конференция модератори, профессор Азамат Ҳайдаров. — Жуда кўп халқаро конференцияларнинг ташкилий ишларида қатнашганман. Уларда асосан илмий-назарий йўналишга эътибор қаратил-

ўтказилди. Халқаро ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра 1-ўрин Қирғизистоннинг "Ибарат" жамоасига, 2-ўрин Ўзбекистоннинг "Чодир жамол", Мўғулистоннинг "Пуревкху Темуужин", Япониянинг "CSPCS JAPAN", 3-ўрин Корея Республикасининг "Yemugi Dance company", Афғонистоннинг "Yasaman Group Musician", Россия Федерациясининг "Иновжол" жамоаларига насиб қилди. Ушбу жамоалар 1,5 мингдан 3,5 минг АҚШ долларигача бўлган пул муқофолари ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Шунингдек, яна 11та фольклор жамоаси турли йўналишлар бўйича Маданият вазирлиги ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлигининг эсдалик совғаларига сазовор бўлди.

Ушбу фестиваль азалий анъана ва қадриятлари муштарак бўлган халқларни нафакат ижтимоий-сиёсий, балки маданий-маънавий жиҳатдан жипслаштириш, дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, дунё халқлари ўртасида халқаро маданий алоқаларни янада ривожлантиришга улкан ҳисса қўшди.

Ваҳобжон ЎРАЗМАТОВ,
Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази директор ўринбосари

КЕЛАЖАККА ИНТИЛГАН ХУРЛИК

Ҳар куни "Туркистон" саройининг катта залида ўтказилаётган машқлар жараёнини кузатиб, ушбу муслика фестивалини кўтаринки руҳда ва юксак савияда ўтказиш мақсадида тинимсиз изланаётган, ёшларга ўз маҳорат ва тажрибаларини кунт билан ўргатаётган устоз санъаткорлар — Ўзбекистон халқ артистлари Абдулхалим Исмоилов, Замира Суянова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нодира Пирматова ва фестивалнинг бош режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошевнинг заҳматли меҳнатларини эътироф этмай бўлмайди. Ушбу жараён ҳақида Замира Суянова қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Бу йил фестивал ҳақиқатан бошқа йилларга нисбатан тамомилга ўзгача ўтиши қутулмоқда. Энг асосийси, устоз санъаткорлар билан бир қаторда, ҳали катта сахналарда ўзини синамаган истеъдодли ёш овоз соҳиблари кўп миң сонли мухлис-лар қузурига чиқишади. Бу жуда катта шараф, айни пайтда катта масъулият ҳамдир. Машқлар жараёнида ёшларга халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган ўлмас ашуларини ўргатишимиз.

Дарҳақиқат, бу ерда янграётган мусликанинг нолалари, хонандаларнинг хиргойилари, кайтарилган, овоз солашлар — ҳамма-ҳаммаси ўзгача завқли ва сирли эди... Шу ўринда буюк адиб Чингиз Айтматовнинг сўзини келтиришни лозим топдик: "...Биз мусликада энг олий хуриликка эришамиз. Бу хурилик учун эса онгимиз ёришган замонлардан бошлаб бутун тарихимиз давомида курашганмиз. Лекин унга фақат мусликагина қойим бўлганмиз. Фақат мусликагина барча замонларнинг ақидаларини енгиб ўтиб, доимо келажақ сари интилади..."

"Ўзбекконцерт" давлат муассасаси матбуот хизмати

Укам Амир Файзулла бир кунни менга ўттиз ёшлар чамасидаги деҳқон-кембағил йиғитни рўпара қилиб:

— Бир гаплашиб кўринг, Жиззахдан чиққан машрабшунос, — деб қолди.

Йиғит йиманибгина одоб билан менга:

— Сизни яхши таниман, — деди.

— Энди янада яқинроқ танишиб оларкан-миз-да, — дедим.

Мўминжон деган бу гурундошим кўриниши соддагина бўлгани билан бутун вужудни гиж-гиж машрабхонлик билан тўлиб-тошган экан.

Гурундошим икки соатча давом этди. У билан хайрлашаётим:

— Машраб ҳақида шунча янгиликларни кимдан олгансиз? — деб сўрадим.

— Отамдан. У киши “Девонаи Машраб”ни ёш-лигимдан қулоғимга қўйганлар, — деди.

— Э-ҳа, тақдиримиз ўхшаш экан, мен ҳам Машраб ҳақидаги ривоятларни буйимдан эшитганман. У киши ҳам баъзан биз икки-уч шумта-ка набираларини ёшларига ўтказиб олиб, сиз айтган “Девонаи Машраб”ни ўқиб берар эдилар, — дедим-да, беихтиёр кўз олдимда китоб жавонимда асраб-авайлаб келаётган араб имлосидиги, энг сўнгги саҳифасида русча “Ташкент, Изд. Арифджанова. 1906 г.” деган ёзуви бор “Девонаи Машраб” китоби гавдаланиб кетди.

Шунда Мўминжон:

— Қоғозга туширишга ҳаракат қилганман. Сиздан маслаҳат олмакчийдим, деб сумкасидан чамаси икки юз араб кўлёмани олиб менга бераркан, — агар вақтингиз бўлса... — дея қўлимча қилиб қўйди.

“Машраби мўтабар ўзим” деб номланган бу асар кўлёмасини ўқиб чиқиб, ўшанда Мўминжоннинг телефони ёки манзиллини ёзиб олганимга афсусландим...

Мўминжон билан иккинчи учрашувимиз қисқа бўлди.

— Машраб юрти Наманганда бўлганмиш? — десам, бир зиёрат қилиш нияти борлигини айтди.

Хар йили Наманганда ўтказиладиган аънавий машрабхонликка Мўминжонни олиб бордим. Шаҳар истирожат боғида Машрабга бағишланган тадбир очилишидан олдин расмийлик юзасидан ўтказиладиган мажлисда иштирок этардик. Тадбирни ўтказишга масъул аъзолар ўз фикр-мулоаззатларини қисқача айтиб ўтдилар. Мен ҳам гап орасида Жиззах давлат педагогика институтининг катта ўқитувчиси, Машраб ижоди бўйича илмий изланиш олиб бораётган, Мўминжон Хошимхонов ҳам тадбирда иштирок этаётганини маълум қилиб, қўлимдаги “Машраби мўтабар ўзим” асари кўлёмаси ҳақида икки оғиз мактов-лик сўз айтиб, унинг илк наشريни ўзимизда чиқар-сак янгилик бўларди демокчи эдим, йиғилишни олиб бораётган вилоятдаги маданий-маърифий ишлар учун масъуллардан бири чимирлиб мен томон қаради-да, “нотик”лик усулини қўллаб кескироқ оҳангда гапимни бўлди:

— Аввало, мен рўйхатга қараб аниқладимки, Машрабхонлик тадбирига тақлиф этилганлар орасида бу меҳмоннинг фамилияси йўқ. Аввалроқ хабар топганимизда, расман кутиб олган бўлардик. Қолаверса, ўзимиздаги мавжуд олий ўқув юр-тирида ҳам Машраб ҳақида маълумотлар бериб ту-ришди. Бошқалардан ҳам жойимиз йўқ.

Менинг ёнимда ўтирган Мўминжон аста ўр-нидан туриб, ташқарига чиқиб кета бошлади. Мен унга эргашдим...

Кейинги сафар Наманганга борганимда, маъ-рифатли инсон, ижод ахли меҳрини қозongan ви-лоят ҳокими Баҳодиржон Юсупов ўшанда тадбир ташкилотчилардан бири томонидан Жиззахдан ташриф буюрган машрабшунос олимга кўнгли-нин ранжитадиган муомала қилинганлини эшитиб, афсусда эканини айтди ва мендан Мўминжон Хошимхоновнинг манзиллини ёзиб олди.

Мўминжоннинг анчадан бери кўрмасам-да, Амрихондан сўраб-суриштириб турар, ишлари дурустлигидан хабардор эдим. Бир кунги қўлим-га, у билан учрашши мавриди келиб қолди. Бу-нинг тарихи қизиқ. Чинданам қўлимга: “Сиз билан ҳазрат Мухаммад Солиқ Мухаммад Юсуф гаплашмоқчи”, деган кўнглироқ бўлиб қолди.

Бир зумда у киши менга бундан бир неча ой муқаддам уч қисмдан иборат “Қуръон ва атроф-муҳитга муносабат” номли йиғирма бетча ҳажм-даги маколани “Бир кўринг-чи”, дея берганини эсладим. (Ўшанда экология долзарб мавзуга ай-ланган бўлиб, Ҳазратнинг кўлёмаларини бир-ик-ки газета тахририятга тақдим этган бўлсам-да, бирон жавоб ололмай юргандим). Салом-алиқдан сўнг Ҳазрат шундай деб қолдилар:

— Сизни бир мўтабар инсон йўқлаяттилар. Қардасиз, машина юборамиз.

— Улов ёнимда, ҳозир ўзим етиб бораман, — дедим.

— Мен акамнинг тўйига кетганман, адаси, сиз ҳам ишингиз-дан чикинг-у тезроқ етиб бориңг. Ёлғизгина акам қизини чиқа-рапти — я.

— Ҳали маошнинг ололганим йўқ, тўёна нима бўлади?!

— Чўнтагингизга тўёна учун пул солиб қўйим. Қўшимиз-дан қарз олиб. Сизга қолса, юрарасиз, маош, маош, деб. Шуни эл кўзи учун кўрсатиброк, “тўй муборак” қиласиз, тамом.

— Қанча?

— Бир миллион сўм, етади шу. Кечикмай бориңг, улар ўғил-чамизнинг тўйида катта новвос келтиришганди!

— Ҳа, айтмоқчи, хотин, синглимнинг қизчаси оғир касал эмиш. Юқумли касалликлар шифохонасининг жонлантириш бўлимида ётганмиш!

— Ётган бўлса, ҳозир чорамиз қанча. Тўй бошлаб қўйилди. Ай, у синглингизга ўзи ақл қирмайди ҳеч. Бола сал шамолласа ҳам баллиса, йўталса ҳам...

— Йўқ, сал эмас, онаси, сарикнинг оғир тури — вирусли ге-патитга чалинганмиш. Ҳарорати тушмай, гоҳ-гоҳида беҳуш бўлиб қолаётганимиз.

— Начора, уям шу пайтда касал бўлганини? Кетдим, ке-чикман! Ками-кўстига ишлатсин, бечорагина акам. Синг-лингизнинг олдига эртага борарсиз...

Дадахон НУРИЙ

ҲАЗРАТНИНГ МУҲАББАТИ

Эссе



Мени тўғри бош қабулхонага олиб киришди. Муфти жаноблари ва яна уч киши даврасида юз-ларидан нур ёғилиб тургандай оппоқ соқоли, саллалли, либослари ҳам шунга монанд, тийрак қар-рашлари ва салобати билан Ҳиндистоннинг буюқ шоири Тағорга ўхшаб кетадиган бир сиймо ўти-рарди. Ул зот:

— Машаоллох, машаоллох, мен аллома Файз соҳиб таъриф этганлариди одамни кўриб турган-нимдан хурсандман, — дея қўлларини ёзганча мен-га ишора қилиб қўйдилар.

Хурматли меҳмоннинг бу сўзларидан сездим-ки, гап Ҳиндистон — Покистон адабиётининг за-бардаст вакили Файз Аҳмад Файз ҳақида кетмоқда. Хар икки мамлакатда Аллома дея ном қозongan шоир хар гап Тошкентга ташриф буюрганда мен у киши учун таржимонлик ҳамда “ишончи” хай-довчилик вазифасини ўтар, Самарқанд, Бухоро, ҳатто Бобур юрти бўйлаб водийга ҳам биргаликда сарф қилгандик.

Юқори мартабали меҳмон ўрнидан даст ту-риб, бағрига олиб сўрашди, оҳиста елкамга қоқиб қўйди. Ҳаёлимдан Файз соҳиб мени ҳаддан зиёд мактаб юборибди-да, деган фикр ўтди ўтир-ганлардан кимнингдир шипшиганди “Раж Капур келганда ҳам, бирга юрган, бу киши”, деган овози эшитилганди бўлди.

Мухаммад Солиқ Мухаммад Юсуф жаноблари олий мартабали меҳмон билан қисқача таниш-ти-рар эканлар, бул зот маркази Стокгольм шаҳри-да жойлашган Жаҳон Нақшбандий тарикатининг Бош шайхул исломи бўлиш билан бирга, дунёвий илм, яъни компьютер соҳаси бўйича докторлик унвонига эга йирик олим эканлигини ҳам таъкид-лаб қўйдилар. Кейин яна шундай дедилар:

— Бу жаноб ўзларининг обрў-эътиборлари бил-ан афғон урушида асир тушган бир неча юзлаб йиғиларимизни “Булор Бахавиддин Нақшбандий авлод-аждодларининг фарзанди”, дея мужоҳид-ларнинг ўлим қанғалидан қутқариб қолган. Биз-нинг мамлакатимиз — Ўзбекистонга катта хизмат-лари сингганлиги хурмати ҳуқуқимиз ва диний идорамиз тақлифига қўра азиз-авлиёлар қиндик қони тўкилган муқаддас заминимизга муборак қа-дамларини қўйишга вақт топган эканлар, нимаки истақлари бўлса, бажаришга тайёرمىз.

Меҳмон Баҳодир Шоҳ Зафардан (Бобурий-лар сулоласининг Ҳиндистондаги сўнгги авлоди, машхур шоир бўлган — Д.Н) юрт соғинчи ҳақида-ги тўрт мисра ғазалини ёд айтиб, хинчасига шун-дай лутф қилдилар:

— Модомики, камини илтимосини вожиб топсаларингиз, иккита ўтинчим бор. Аввало, олис Оврупо деган минтақадан Ватанимнинг шабадаси шундоқ уфуриб турган муқаддас юртингизга кел-ганим боис, анча соғиниб қолган ўз она тилимдан баҳра олиб, гуфтигў қилсам дейман. Қолаверса, аллома азиз-авлиёлар мангу уйқуда ётган зиё-ратгоҳларга ҳашам билан бориб, улар оромини бу-зиб, руҳларини безовта қилишга на ҳожа! Илоҳи бўлса, зиёратни пиёда ўтказган бўлардим. Афсус, вақт йўқ. Шунинг учун Сизлардан илтимос, ор-тикча оворагариликлар бўлмасин. Ўйлайманки,

мана бу, мен йўқлаб, қақиртирилган жаноб, — дея, менга ишора қилиб қўйдилар, — сарбонлики яхши билгувчи сифатида каминга ҳамроҳлик қи-лишга йўқ демасалар керак.

Бош меҳмон Мухаммад Солиқ Мухаммад Юсуф жаноблари Аҳмад Нақшбандий ҳазратларининг хурмати юзасидан:

— Сизнинг ҳамма айтганларингиз бўлади, ҳаз-рат, — дедилар.

Ўша кунни кечга томон режа бўйича Тошкент-нинг диққатга сазовор жойларини айланиш учун чиқдик. Меҳмон мендан сўрадилар:

— Файз жаноблари хизматиди бўлган табаррук машинанингиз қаерда?

— Ана, рўпарада турибди.

— Ростданам шуми?

— Аввалгиси бошқа эди. Сиз учун янгисини тайёрлаб қўйганмиз.

— Ундай бўлса, ўша янгисига ўтирдик.

Ҳазрат анча салобатли эдилар, олд ўриндики орқага суриб, жойни кенгрок очишга тўғри келди. Шунда ҳам нақшкор хассани орқа ўриндиққа қўйди. Хастимомдан чиқиб, Чорсуга келдик. Хо-жа Аҳрор валий масжидлари ҳамда шаҳардаги азиз-авлиёлар номлари билан боғлиқ қадамжолар-ни зиёрат қилдик.

Йўлбошловчиларимиз Зангиота зиёратгоҳи томон кета бошладилар. Мен машина радиоси овозини пастлатиб қўйганим, янграётган қўшиқ охирида, суҳандоннинг “Сиз Боброҳим Машраб ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлардан тинг-ладингиз. Энди махсус муҳбиримизнинг Жиззах-дан тайёрлаб юборган — машрабшунос олим Мў-минжон Хошимхонов билан суҳбатини эшитинг”.

Радио қулоғини бураб, овозини сал баландроқ қилдим.

Меҳмон мен томон ҳушёр тортиб қараб:

— Янграётган муборак ном афғон элида маш-хур бўлиб, жаҳолат қурбонига айланган Қаландар шох Машраб эмасми? — деб сўраб қолдилар.

— Худди шундай! Бу зот ҳам Баҳоуддин Нақш-банд авлод-аждодларидан бўлиб, тақдир тақозоси билан Афғонистонга бориб қолган ўзбекларнинг машхур шоирлиқлар. Ҳозир Машраб тавааллу-дининг уч зўллик йиллигини Ўзбекистонда кенг нишонлаш ишлари қизғин кетмоқда. Радио ҳам шу ҳақда гапиряпти, — дедим.

Хай-хай, “Ғолибин қим десангиз, Турон ту-прогиданман, Туркзодаман, ота-бобом самар-қандли, деҳқон қароғиданман”, деб ёзган Мирза Ғолиб Сизлардан эканлигини билардим. Энди, шох Машраб ҳам шу замин фарзанди экан-да!

— Уларнинг аввалига Бобур, Баҳодир шох За-фардай шеърят даҳолари номларини қўшавериш мумкин.

— Бу сарзамин чинданам буюқ уламоларгина эмас, маликушуаролар Ватани деб, айтишга му-носиб экан.

Бир олам таассуротлар билан уйга келдим Мўминжоннинг телефон рақамини излаб топиб, кўнглироқ қилдим.

— Ишлар қалай?

— Э, ака! Ҳаммаси зўр. Янгиликлар кўп. Жиз-

захга Баҳодир Юсупов келган экан, мени хоки-миятга қақириб қолишди. Етиб бордим. Баҳодир ақани дарров танидим. Шу денг, Баҳодир ака ҳам-манинг кўз олдиди мени бағирларига босиб: “Бу фидойи олимга келиб-келиб Машраб юртида би-роз хурматсизлик қилингани учун кўпдан бери юрагимда тугиб юрган узримни, мана, сизлар гу-воҳилингизда айтгани келганимиз”, деб сарпо қий-дирса бўладими... ҳазил аралаш гапириб ўтдилар... Хуллас, ҳозир у кишининг ҳомилигида “Машра-би мўтабар ўзим” мажмуасининг навбатдаги жилдлари босилмоқда.

— Муваффақиятларингиз ҳақида бугун радио-да берилган интервьюнгиздан ҳам батаф-тил хабардор бўлдик. Буюқ шоирнинг руҳи сиз-ни қўллаб-қувватлаб турганининг нишонаси бу! Энди сизга яна бир гапни айтмоқчиманки, эрта-га Тошкент — Самарқанд йўлининг Ғаллаоролга қираверишидаги Сарибозор гузарни марказида жойлашган “Мингашма” чойхонасида уч киши-лик жой ҳозирлаб, бизни кутинг. Эртага туш пай-ти бўйлаб зиёратга отланганлар учун, айниқса, ёз ой-лари тўхтаб, тарновлардан шариллаб оқиб туради-ган музлай бўлоқ сувларидан топиб, тамадди қи-либ ўтадиган роҳатжон маскан.

Биз айтилган пайтда чойхонага етиб келдик. Меҳмон пешин намозини ичкаридаги алоҳида хосхонада ўқиб чиққач, Мўминжон билан “чойла-шиб” ярим соатча гурунлашдик. Ҳазрат олими-мизга савобли ишларида муваффақиятлар тилаб дуо қилдилар.

Водий бўйлаб қилган сафаримиз Андижондан бошланди. Марғилон, Фарғона, Қўқон шаҳарлари бўйлаб қилган зиёрат, сайри саёхатлар чоғида ҳам Нақшбандий ҳазратларига кўп илтифотлар кўрсатилди.

Шундай қилиб, Ҳазратнинг мамлакатимиз бўйлаб қилган зиёратлари охирида, хайрлашар эканмиз, ташриф қозғолирини менга бердилар. Унда қўйидаги сўзлар битилган эди: “Дунёга доврғ солган дину диёнат, илму нуҷум даҳола-рининг Ватани бўлиш муқаддас замин — Ўз-бекистонни зиёрат этишмида Сиздай мушфик ва меҳрибон инсонни менга ҳамсафарлик қилиш бах-тига иноят этган Олло Тоолога тасаннолар бўлсин. Сизни доим ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд руҳлари қўллаб-қувватласин. Оллох Сиз биродарим билан учрашишга яна бир бор насиб этсин”.

Шу кутлуг сафарининг иккинчи ёки учинчи йили бўлса керак, яқин қўшим, нозиктаб шоир Мирзо Кежабек сиз қоқиб:

— Сизнинг номингиз янада машхур бўлиб кет-ганидан хабарингиз борми? — деб қолди.

— Қанақасига?

— Ана, милайсиз-да! Бир китоб чиққан, уни кўп мўмину мусулмонлар ўқишмоқда.

ТУРМУШ ТАШВИШЛАРИ

— Э, ол, ол, одамнинг жони эмас-ку шу пул!

Мирзабек шу гапни айтишга айтилди ўзи икки ўт орасида қолди. Танг аҳволда ишга ҳам бормай, уйига жўнади.

Бехос уяли телефони жиринглади. Хотини экан.

— Қаёқларда юрибсиз ўзи? Келасизми тўйга? А?

— С— синглимнинг қ—қизчаси...

— Мен нима қилай? А? Мен нима қилай? Келтириб беринг тезроқ акамнинг тўёнасини! Шарманда қилманг одамни.

— Ахир, жияним...

— Менга нима! Келтириб беринг, деяман, тўёнани! Кейин менга деса...

Яна кўнглироқ жиринглади. Синглиси экан.

— Тез етиб келиңг, ака! Тез, тез!

— Ҳа, нима гап! Тинчликми?! Жиянчам қалай?!

— Жиянингиз соб бўлди, ака. С—соб... Ҳозиргина...Увв...

Хувв. Ҳозиргина жон узилди болагинамнинг...

Мирзабек тош қотди.

Муродим УМРЗОҚОВ



O'ZBEKISTON
ADABIYOTI VA SAN'ATI

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Хамқорларимиз:



Бош
муҳаррир:
Ўқтам
МИРЗАЁР

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42

Тахриратга келган кўлёмалар тахрир этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқланган ҳужжат.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Раҳматилла БЕРДИЕВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
26.11.2014 йил 0283-рақами билан рўйхатга олинган.

Адади - 5773. Буюртма Г - 755.

Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.

Нашр кўрсаткичи - 222.

Ташкилотлар учун - 223. 123 56

Санъат бўлими: 233-56-40

— Йўғ-е! Унга менинг нима алоқам бор?

— Алоқангизнинг борлиги шуки, китоб қаҳрамонларидан бири ўзингиз! Интернет ор-қали ҳам таркаган китоб ҳазрат шайх Аҳмад Нақшбандий қаламларига мансуб бўлиб, биз-нинг мамлакатимиздан олган таассуротларининг махсулидир.

— Беайб Парвардигор, дейдилар. Мендан ўт-ган бирон камчилик ҳақида ҳам ёзилганми?

— Фақат мактаб ёзганлар! Ҳа, бир жойда... сиз-дан сал ранжигандай... Айтгавайми?

— Айтаверинг, — дедим кўнглимда қандайдир шубҳа эпкини бош қўтаргандай, овозимни паст-латиб.

— Бу воқеа Наманганда содир бўлган экан, Ҳазрат “Мен таржимонимни йўқотиб қўйдим” дея, бир соатча тил-забонсиз — “тунглик” азоби қандай бўлишганини ҳазилнома иборалар билан тасвирлаб ўтганлар.

— Шу ҳолосми? — дедим.

Шоиримизнинг:

— Яна бошқа қандай мактовлар керак, — деган сўзларидан кўнглим ёришиб кетди.

Орадан кўп ўтмай Анваржон қори Турсунов билан бир тадбирда учрашиб қолгандик:

— Аввалроқ Ҳазрат шайх Нақшбандийдек динимизнинг улуғ сиймоси назарларига тушган эдингиз, энди муборак қаламларига ҳам тушган-нингиз билан табриқлаймиз, — дея қўлимни каттик сиқиб қўйди.

Шаҳардан четта — Бўстонликдаги дала-боғимизга чиқиб кетгандим. Кечга томон сал эҳти-ётсизлик қилдимми, ён телефоним бетон йўлакка тушиб, сочилиб кетди. Ачинмадим. Тошкентга бориб устасига қаратунча, уч-тўрт кун тинчгина дам олиб, ёзув-чизув қиламан деб, стол ғаладонига ташлаб қўйдим.

Худди ўша куннинг ўзидаёқ уйга мени йўқлаб келишибди. Эртасига ҳам қаердалигини сўраб, конвертга солинган хат бериб, телефон рақамини ёзиб олишибди.

Уйга келгач, махсус конвертдаги қисқача: “Сизни ҳазрат Аҳмад Нақшбандий йўқлаптилар. Тезда қўйидаги адрес бўйича етиб келинг”, деган жумлаларини ўқидиму шундоқ яқинимизда жой-лашган меҳмонхона томон уловни бурдим.

Меҳмонхонага қираверишдаги эшик олди гав-жум. Бир амаллаб посбон миллиционерлар бош-лигини излаб топдим. У хатни ўқиб қўриб:

— Ҳазратнинг сафарлари бугун тугаган. Йўлга тайёрларлик қўришяпти. Манави турган кишилар ҳам ул зотни бир кўриб, хайрлашишга келишган. Аввалроқ қаерда эдингиз, — деди илоҳжизман деган маънода.

— Ука, кўриб турибсиз, хат уч кун олдин ёзил-ган. Меҳмон мени к